

ISSN 2181-9521

№ 5-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“ЎЗБЕКИСТОН –

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу шонли сана муносабати билан 2021 йил 9 май куни Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Тантанали маросимда Давлатимиз раҳбари халқимизни, йиғилганларни байрам билан табриқлаб, нутқ сўзлади.

Қуйида Президентимизнинг ушбу нутқидан иқтибослар ўқийсиз:



“Бугунги шонли санани биз доимо чексиз қувонч ва чексиз изтироб билан нишонлаймиз. Ватан озодлиги учун, ҳозирги тинч-омон кунлар учун жанг майдонларида ҳалок бўлган ота-боболаримизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирамиз.

Сиз, мўътабар фахрийларимизнинг беқиёс қаҳрамонлигингиз инсоният тарихига абадий ўчмайдиган, буюк саҳифа бўлиб ёзилганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Улуғ ва табарруқ ёшларга етиб, бугун ора-мизда соғ-саломат, дуоғўй бўлиб юрган уруш ва меҳнат фронтининг барча жангчиларига яна бир бор юксак меҳр ва ҳурматимизни изҳор этиб, уларнинг барчасига чин юракдан ташаккур айтамиз.

Ҳаётнинг оғир ва аччиқ синовларини мардона енгиб ўтган Сиз, азизларнинг Ўзбекистонимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялашга қўшаётган муносиб ҳиссангизни барчамиз юксак баҳолаймиз.”



МЕҲР МАМЛАКАТИ”

“Орадан яна қанча йиллар, асрлар ўтмасин, сизларнинг фашизмга қарши кўрсатган матонатингизни халқимиз ҳамиша қалбида, хотирасида сақлайди, бу жасорат ёшларимиз учун абадий ибрат намунаси бўлиб қолади.”

“Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қаторида урушнинг биринчи кунларидан бошлаб фашизмга қарши жангга кирди. Ёвуз душманни тор-мор этиш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этди.”



“Урушдан жабр кўрган 1 миллион 500 мингдан ортиқ кексалар, аёллар ва болалар республикаимизга кўчириб келтирилди. Уларнинг 200 мингдан зиёди ота-онасидан айрилган етим болалар эди.

Эл-юртимиз мудҳиш уруш йилларида ўзининг юксак гуманистик фазилатларини намоён этди. Ўзбекистонга олиб келинган турли миллатга мансуб минг-минглаб инсонларга бошпана берди, меҳр-шафқат, одамийлик кўрсатиб, энг сўнгги нонини ҳам улар билан баҳам кўрди. “Тошкент – нон шаҳри”, “Ўзбекистон – меҳр мамлакати” эканини амалда яна бир бор исботлади.

Халқимизнинг бундай улкан жасорати, олижаноблиги бутун дунёда ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Ва бу билан биз ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.”



“Ишончим комилки, ана шундай фидойи оналаримиз – севган ёри ва фарзандларига, оиласи ва юртига содиқ аёлларимизнинг жасорати ёш ўғил-қизларимиз учун Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат, сабр-матонат тимсоли бўлиб хизмат қилади.”



Саҳифаларни Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судьяси Гайрат МАШКУРОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБОЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий агтестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.05.2021 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12 Адади 1790
Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА**МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ****6**

**“УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ:
АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР,
ФЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР”**

12**КУН МАВЗУСИ**

**СУД ҲОКИМИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

МУҲИМ МАВЗУ**15**

**КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРГА
ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА
ДИНИЙ АСОСЛАРИ**

18**ТАДҚИҚОТ**

**БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ
ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШДАГИ
МУАММОЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ**

ҚОНУН ВА ИЖРО**20**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА
ҚОНУН ИЖРОСИ МЕХАНИЗМИ**

22**ЯНГИ ДАВР НАФАСИ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭЛЕКТРОН
(РАҚАМЛИ) ДАЛИЛЛАР ТУШУНЧАСИ ВА
АҲАМИЯТИ**

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ**24**

**ЭВТАНАЗИЯНИНГ ТИББИЙ
БИОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ**

27**ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ**

**ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚАРОРИ СУД
ТОМОНИДАН ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛДИ**

28

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
КЕЛИШУВ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ
ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

НУҚТАИ НАЗАР

32

АЛИМЕНТ ТЎЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

33

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

ТАҲЛИЛ

34

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА:
ҚОНУН, АМАЛИЁТ, МУАММО
ВА ЕЧИМ

37

МЕНИНГ ФИКРИМ

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

МУЛОҲАЗА

38

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН
ФАКТЛАР ТАСНИФЛАНИШИ

39

ЖАРАЁН

ШАХСНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ
ЭТИШ АСОСЛАРИ

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

40

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН
МУЛҚДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА
ТАСАРРУФ ЭТИШ:
ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

42

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ
ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

46

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ
БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

48

ТАЛҚИН

ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР
ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

49

ДАЪВО МУДДАТИ ТУШУНЧАСИ
ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ

50

СУД ОЧЕРКИ

ФИРИБГАРЛИКНИ “САНЪАТ”
ДАРАЖАСИГА ЧИҚАРГАН АЁЛ

ВАЖНАЯ ТЕМА

52

IT ТЕХНОЛОГИИ И ТРАНСФОР-
МАЦИЯ ПРАВОПРИМЕНЕНИЯ

55

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

АНАЛИЗ ОТДЕЛЬНЫХ ПОЛО-
ЖЕНИЙ УГОЛОВНО-ПРОЦЕС-
СУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
РЕСПУБЛИКИ МОЛДОВА

INTERNATIONAL EXPERIENCE

58

INTELLECTUAL PROPERTY PROTEC-
TION AND MEASURES TO PROTECT
COUNTERFEIT PRODUCTS IN THE US

63

СУДЬЯ МИНБАРИ

СУД ТАДБИРКОРНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИ



“УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ: АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР, ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР”

2021 йил 8 май кунги Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, унинг ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳамкорлигида мамлакатимиз суд тизимида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан фахрийлар ҳамда бугунги кунда одил судловни амалга оширишга муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган тажрибали, амалиётчи судьялар билан илк бор судьялик лавозимига тайинланган ёш судьяларнинг учрашуви ташкил этилди.

Авлодлар учрашувида сўзга чиққан фахрийлар судьяликдек ўта масъулиятли касбнинг ўзига хос сир-асрорларини ҳаётий мисоллар билан гапириб беришди.

Ҳолмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси:



– Мазкур маърифий тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад судьялик лавозими-га илк бор тайинланган, энди судья сифатида иш бошлаган, ҳали тажрибаси кам ёш мутахассисларимизга ниҳоятда масъулиятли судьялик касбининг ўзига хос сир-асрорларини ўргатиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш, амалий маслаҳатлар беришдир. Шунинг учун учрашувимизга суд тизимида узоқ йиллар ишлаган, катта ҳаётий иш тажрибасига эга фахрийларимизни таклиф қилдик. Улар ўзларининг иш тажрибаси, судья бўлиб ишлаган пайтларда бошидан ўтказган турли воқеаларни ҳаётий мисоллар билан айтиб беришди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда суд тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга

қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Уларда судьянинг профессионал касб фаолиятини амалга ошириш жараёнида бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бирон бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги муҳим меъёрлар ўз аксини топган.

Мамлакатимиз суд тизими тарихида биринчи бор ташкил этилган судьялар ҳамжамиятининг конституциявий органи – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асосий вазифаларидан бири ҳам бевосита судьялар дахлсизлиги бузилишининг олдини олиш ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки мансабдор шахсларнинг бирон бир тарзда аралашшига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар белгилаш бўлиб ҳисобланади.

Кенгаш ўз фаолиятини фақат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил равишда амалга ошириши, Кенгаш фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ва бу қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилди.

Президентимиз томонидан 2020 йил 7 декабрь кунги имзоланган “Судьяларнинг чинакам мус-

тақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон Судьялар олий кенгаши фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилган янги вазифаларни белгилади. Хусусан, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашуш ҳолатларига барҳам бериш, шунингдек тизимда коррупцияга қарши курашуш, номзодларни танлаш ва тайинлашни очиқлаш, судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиш ҳамда судьяларни рағбатлантиришнинг янгича тартиби жорий этиш белгиланди.

Жумладан, мана шу Фармон ижроси юзасидан 2021 йилнинг 7 январидан жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Судьялар клуби ташкил этилди. Судьялар клубини ташкил этишдан кўзланган энг асосий мақсад биринчидан, судьяларнинг билим ва касбий малакасини ошириб боришга кўмаклашадиган мулоқот майдонини ташкил этиш;

иккинчидан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича судьяларга тавсиявий характерга эга бўлган маслаҳатлар бериш;

учинчидан, судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларига тушунтиришлар бериш;

тўртинчидан, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга, суд ҳақида жамоатчиликда ижобий ижтимоий фикр шаклланишига ҳисса қўшишдир.

Бугунги кунда мазкур клуб давлат ва жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришга қодир бўлган судьяларни бирлаштириш, ўзаро фикр алмашиб туриш, энг муҳими суд амалиётида учрайдиган айрим муаммоларни судьялар ўртасида кенг муҳокама қилиб, унинг ечимини топишда амалий аҳамият касб этмоқда.

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Судьялари
ассоциациясининг раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист:



– Алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан суд тизимида ҳам чуқур демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Мана шу ислохотларнинг натижасида суд ҳокимияти амалда мустақил институт сифатида намоён бўлиб, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораёпти.

Судья ва суд тизими ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилиниб, унинг ижроси таъминланди. Бунинг натижасида сўнгги тўрт-беш йил мобайнида тизим ходимларининг ойлик маоши сезиларли даражада ошди, уларга турли имтиёзлар берилди.

Судьяликдек ўта масъулиятли ва шу билан биргаликда шарафли касбни танлаб, энди бу соҳага кириб келаётган судьяларга қарата айтмоқчиманки, Президентимизнинг “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт” деган жуда чуқур маънога эга бўлган ҳаётий шиорни бежиз айтмаганликларини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Унутманг, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг муваффақияти, биринчи навбатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасига, хусусан бевосита судьяларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.



Ўрни келганда аччиқ бўлса ҳам айтиш керакки, бу ҳақиқатни ҳаммамиз ҳам бирдек англаётганимиз йўқ. Баъзи ҳолларда давлат ва жамият тараққиётига дахлдор бўлган шарафли ишимизга юксак масъулият билан ёндашаётганимиз йўқ. Минг афсуски, касб фаолиятимизда одил судловнинг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган камчиликлар учраб турибди.

Бунинг натижасида бир нечта судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатилган ёки яна қанчасидир судьялик қасамёдини бузганлиги учун муддатидан олдин лавозимидан озод этилган. Ҳатто, айрим судьяларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилган. Тасаввур қилинг, аслида биз судьялар қонунбузарларга нисбатан жазо тайинлашимиз керак. Лекин...

Президентимизнинг “энди, таъмагирлик қилган судья, сиёсатга, мамлакат Президентига ва халқига хиёнат қилган деб баҳоланади” деган фикрини ҳаммамиз қулоғимизга қуйиб олишимиз шарт, деб биламан.

Бундан ташқари, ҳанузгача судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига батафсил тушунтирилишини тўла таъминлаш амалиётини шакллантирганимизча йўқ.

Биласизки, ҳар бир давлат, ҳар қандай жамият фақат қонунлар орқали бошқарилади ва юксак тараққиётга эришади. Қонунлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, қўрқитиш ёки таҳликада ушлаш учун эмас, балки уларга ёрдам бериш, ахлоқан тарбиялаш, қонун-

бузарликларнинг олдини олиш учун яратилишини барча фуқаролар ким бўлишдан, қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар қонунларни чуқур англаб етиши ва ҳурмат қилиши, уларга итоат этиши шартлигини тарғибот қилиб бориш лозим. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонунни бузишдан қўрқади. Биз қонунларнинг матнини, яъни меъёрларини фақатгина ёдлаб олибгина қолмасдан, уларнинг туб моҳиятини чуқур тушунишимиз ва энг асосийси, ҳар бир ҳолатда қонунни қурол қилиб, уни тўғри қўллай олишимиз даркор.

Фикрларимни хулоса қилиб айтадиган бўлсам, судни коррупциядан батамом ҳоли қилишга ва одил судлов самарадорлигини оширишга ўзимизда куч топа олишимиз лозим. Ана шундагина, суд том маънода адолат кўрғониغا айланади.



Дилмурод ДАВЛЕТОВ,
*Қўнғирот туманларо
иқтисодий судининг
судьяси:*

– Ушбу учрашувда масофадан туриб, онлайн қатнашган бўлсамда, керакли нарсаларни ўргандим. Кўпни кўрган, судьялик касбининг машаққатларини бошидан ўтказган устозларимиздан кўп-лаб ҳаётий ўғитлар эшитдим. Улар биз каби ёш судьялар фаолиятида жуда асқотадиган ибратли фикр-мулоҳазаларни гапириб беришди. Устозларимиз ҳақли равишда таъкидлаб ўтишганидек, бугун жамият судьянинг олдида адолатни қарор топтиришдек, муҳим бир вазифани қўймоқда.

Мен, мамлакатимиз суд тизими тарихида биринчи бор ташкил этилган Ўзбекистон Рес-

публикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг илк қалдирғочларидан бириман. Ушбу ўқув даргоҳининг магистратура босқичини тамомлаганимдан кейин, Судьялар олий кенгашининг тегишли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманларо судининг судьяси лавозимига тайинландим. Бу менга фахр бўлиши билан биргаликда катта масъулият ҳам юклайди. Бугунги судьялик фаолиятимда Олий мактабда олган билим ва қўникмаларим қўл келмоқда.

Алоҳида эътироф этишни истардимки, Судьялар олий мактабида бугунги давр талабларига жавоб берадиган судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш учун шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, кўплаб дарс машғулотларида замонавий инновацион педагогик усул ва воситалардан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим жараёнига интерфасол ўқитиш услублари жорий этилган. Қарийб бир йил давомида судья учун энг муҳим бўлган билимларни катта иш тажрибасига эга бўлган амалиётчи устозлардан ўргандик. Ҳуқуқшунослик илмида катта обрў қозонган таниқли олимлар, соҳанинг етук мутахассислари суд-ҳуқуқ соҳасидаги кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлиладан келиб чиқиб, дарс ўтишди.

Бундан ташқари, Судьялар олий мактабида тингловчилар, бўлажак судьялар суд процессининг масъулиятини чуқур ҳис қилишлари учун баъзи машғулотлар имитацион суд залларида олиб борилди.

Ўқув жараёнларида бугунги кун судьяси учун муҳим ҳисобланган судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ҳосил қилишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди.

Судьянинг профессионал фаолиятида нафақат унинг билими, касбий маҳорати, балки инсоний фазилатлари, маънавий-маърифий қиёфаси ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Судья у ёки бу жинойи хатти-ҳаракат ёхуд низоли ишга ҳуқуқий баҳо берар экан, қанчадан-қанча омиларни, сабаб-оқибатларни тош-тарозига солиб кўради, таҳлил қилади. Шу нуқтаи назардан Судьялар олий мактабида тингловчиларнинг билими, касбий кўникмаларини ошириш билан бирга уларнинг ахлоқий-маънавий сифатларини юксалтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилади. Доимий равишда суд тизимида кўп йиллар меҳнат қилган, ҳалол-пок ишлаб, бугун нафақага чиққан устозлар, халқимиз маънавияти ва маърифати юксалишига ҳисса қўшиб келаётган машҳур олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилиб турилди.

Нодирбек ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят суди раиси
ўринбосари, фуқаролик
ишлари бўйича судлов
ҳайъати раиси:



– Ушбу авлодлар учрашуви халқимизнинг азалий қадриятларидан бири – устоз-шогирд анъанасига амалий мисол бўлади. Учрашувда сўзга чиққан устозларимиз Убайдулла Мингбоев, Хайринисо Ҳакимоваларнинг мулоҳазаларини эшитиб, судьялик касбининг залвори нақадар улкан эканлигини яна бир бор ҳис қилдим. Устозлар таъкидлаганидек, биз судьяларнинг чиқарган қарорларимиз нафақат битта инсоннинг тақдирига, балки бутун жамият ҳаёти, унинг тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бу касбимиз қанчалик масъулият талаб қилишини кўрсатиб турибди. Шунинг учун, ҳар бир судья



ва тизимдаги ходим кундалик хизмат фаолиятида фақат қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш тутиши лозим.

Учрашувда кўплаб муҳим масалалар қаторида жамоатчиликнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида ҳам ўринли фикрлар юритилди. Дарҳақиқат, биз судьялар сайёр судларда ёки жамоатчилик вакиллари, жойлардаги аҳоли, фуқаролар билан бўладиган очиқ мулоқотларда коррупция-порахўрлик иллатининг зарарли оқибатларини тушунтириб, тарғибот ишларини



амалга оширишимиз лозим, деб биламан. Бундай учрашувларда уларни қонунларни ҳурмат қилишга, акс ҳолда қонунни бузганларга жазо муқаррар эканлигини батафсил тушунтириш лозим. Агар содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганадиган бўлсак, қайсидир маънода, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги билан ҳам боғлиқлиги кўринади. Убайдулла Қурбонovich эътироф этганидек, “маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули – китобхонлик. Кимки, китобни кўп мутолаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Китобхон виждонига қулоқ тутиб, фақат адолат томонда туради. Ҳалоллик, поклик унинг ҳаётий шиориға айланади. Асло адолатсизликка қўл урмайди. Судья ва суд ходимлари шайтоний ҳою-ҳавасларга берилмасдан, иймон билан виждонига содиқ ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширсагина тўғри йўлни танлаган бўлади. Қадим-қадимдан қози мартабасига эришган инсон ниҳоятда камтар ва пок ниятли бўлган. Унинг ақлу-салоҳиятидан, юриш-туришидан, кийинишидан, муомала маданиятидан бошқалар ўрнак олган. Шунинг учун қозилар жамиятда энг ҳурматли, юксак мартабали инсон бўлишган. Тарихимиздан бундай мисолларни кўплаб келтириб ўтишимиз мумкин.”

Учрашувда ўртага ташланган асосий фикрлардан яна бири шуки, бугун судьяларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб амалий ишлар қилинаётган бир пайтда, судьялар томонидан бунга муносиб жавоб бўлаётими? Очигини айтиш керак, ҳаммамиз ҳам бунга бирдек масъулият билан ёндашаётганимиз йўқ. Камчиликларимизнинг баъзи бирларини устозларимиз рўй-рост айтишди. Биз бундан тегишли хулосани чиқаришимиз керак.

Шунингдек, тадбирда судья доимий равишда ўз устида ишлаши, малака ва кўникмасини ошириб бориши, иш фаолияти ва ишдан ташқари ҳолларда белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиши, адолат тарозисини тўғри тутиши лозимлиги таъкидланди.



Беҳзод МАҲМУДОВ,
Сирдарё вилоят суди
иқтисодий судлов
ҳайъати судьяси:



– Суд жараёнида баъзан ҳар хил тортишув ва келишмовчилик ҳолатлари учраб туради. Тадбирда фахрий судья Хайринисо Ҳакимова шундай ҳолатларни маданиятли бартараф этиш кўп жиҳатдан судьянинг салоҳиятига боғлиқлиги ҳақида яхши фикрларни билдириб ўтди. Хусусан, Хайринисо опа ўзининг катта тажрибасидан келиб чиқиб, бундай ҳолатлар судда кўплаб учраб туришини, бу эса судьядан катта маҳорат, тажриба, сабр-тоқат, босиқлик ва маънавиятни талаб этиши, айнан шундай пайтда судья ўзини йўқотмаслиги, хотиржам, қонун моҳиятига мос равишда тутиши, ҳеч қандай хиссиётларга берилмаслиги, судьялик маданиятининг юқори даражасини намоеън эта билиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Зарурат бўлганда, бироз жим туриш, жаҳл билан берилган савол ёки жавобнинг нафи йўқлигига ақл билан эътибор қилиш, тўғри фикрлаш учун озгина бўлса-да фурсат кутиб туриш судьянинг ишга холис қарашини таъминлашига урғу қаратди. Бундай ҳаётий ўғитлар бизга суд амалиётида қўл келади.

Шунингдек, устозлар суд жараёнининг маданияти, халқ маслаҳатчиларининг ўрни ва роли, уларнинг масъулияти ва савияси юзасидан ўз тавсияларини беришди. Суд жараёнида халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари профессионал судья билан бир хилдир. Бу қонун талаби. Амалиётда эса халқ вакилларининг айримлари номигагина қатнашади. Шунинг учун ҳам уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур билмаслиги ҳоллари учраб туради. Устозларнинг бу борадаги фикрлари ҳам жуда ўринли. Минг афсуски, бугун суд амалиётида маслаҳатчиларнинг самарали фаолияти билан боғлиқ жиддий камчиликлар бор. Ҳамма маслаҳатчилар ҳам ўзларига юклатилган вазифани бир хил ҳис этмайди. Менинг фикримча, суд маслаҳатчилари институтини бугунги кун талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайман.

Ушбу учрашувда иштирок этиб, устозларимизнинг адолат ҳақидаги фикрларидан ўзим учун янги хулосалар чиқардим. Таъкидланганидек, қадимдан халқимиз адолат тушунчасини “давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори” деб қараб кел-

ган. Шубҳасиз, жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришда суд ҳокимиятининг ўрни муҳим. Шунинг учун биз судьялар ҳамжамиятининг вакиллари, иш фаолиятимизга ўта катта масъулият билан ёндашишимиз шарт, деб биламан. Акс ҳолда, биз халқимиз ишончини оқлай олмаймиз.

Сирожиддин ҚУВВАТОВ,

*Жиззах вилоят суди
иқтисодий судлов
хайъати судьяси*



— Ушбу тадбирда иштирок этиб шунга амин бўлдимки, мазкур уч авлод учрашувларини мунтазам равишда ўтказиб туриш керак экан. Боиси, устозларимиз ўзларининг неча йиллик тажрибасидан келиб чиқиб айтган ўғитлари айниқса ёш судьялар касб фаолияти учун зарур. Хусусан, тараққиётимизнинг бугунги босқичида аҳоли билан очиқ мулоқот, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш биз судьяларнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифа бўлиб ҳисобланади. Устозлар айтганидек, фуқароларнинг суд идоралари олдида келиб соатлаб кутишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада уларнинг бизга берган тавсиялари жуда қимматли. Зеро, суд ҳокимиятининг бирдан-бир вазифаси инсонни тинглаш орқали унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашдир. Бугунги кун судьяси иш вақтини самарали тақсимлай билиши ҳам лозим. Агар вақтни тақсимлай олмасак, меҳнат интизомининг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Судья маданияти деган тушунчанинг тагида



катта маъно мужассам. Ҳолбуки, судга ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар турли ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишади. Уларнинг барчасини қабул қилишга эришиш эса вақтдан унумли фойдаланишни тақозо этади. Бу ишнинг уддасидан чиқиш ниҳоятда муҳимдир.

Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг талабларига биноан фуқароларни қабул қилиш чоғида ҳар қандай вазиятда ҳам уларга нисбатан ҳолис ва хушмуомала бўлиши лозим.

Судья мурожаатчи ким бўлишидан ёки қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар у билан бўладиган суҳбат қонун доирасида бўлиши керак. Уларни жамиятда тутган ўрнидан, обрў-эътиборидан келиб чиқиб ажратмаслик лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, учрашувда қатнашиб фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш юзасидан ҳам кўп нарсаларни ўргандим.

Самимий руҳда, қизгин савол-жавоблар тарзида ўтказилган ушбу учрашув иштирокчиларда жуда катта таассурот қолдирди.



Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро маъмурий судининг судьялари Дусмурод ТОШЕВ ва Шербек ИНАМДЖАНОВлар тайёрлади.



Дилшод АРИПОВ,
юрidik фанлар
номзоди

СУД ҲОКИМИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Суд органларининг ўз фаолиятини очик тарзда ташкил этиши фуқароларнинг Конституцияда белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш мақсадини кўзлаши боис, уни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи механизмлардан бири сифатида этироф этиш мумкин. Бинобарин, Конституциянинг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланганлиги суд ҳокимиятининг ўз фаолиятини очик ва ошкора тарзда ташкил этишга мажбурлигини англатади.

Миллий қонунчилик ва илмий доираларда судлар фаолиятига доир “очиқлик”, “ошкоралик”, “шаффофлик” атамалари кенг қўлланилади. Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси суд ишларини юритишнинг ошкоралиги деб номланиб, унинг мазмунига кўра ошкоралик – ҳамма судларда ишлар очик кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл кўйилиши қайд этилган¹.

Ва аксинча, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари белгиланиб, унинг таркибига улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги киритилган².

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида ахборот эркинлигининг асосий принципларидан бири сифатида “очиқлик ва ошкоралик” белгиланган бўлиб, 6-моддасига кўра ахборот очик ва ошкора бўлиши кераклиги қайд этилган³.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 4-сон қарорига кўра суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади⁴.

Б.Пўлатовнинг фикрича, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси “Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги” мазмунидан кўриниб турибдики, “ошкоралик” атамаси “судда ишларнинг очик кўрилиши” атамасининг синоними сифатида қўлланилади⁵.

Б.Жамоловнинг таъкидлашича, ошкоралик, бир томондан, одил судлов қандай амалга оширилиши юзасидан суд ҳокимияти устидан ижтимоий назорат элементи бўлса, иккинчи томондан, судья

ва бошқа процесс иштирокчилари ўз фаолиятида қонунларга оғишмай амал қилишни таъминлаш омилидир. Ушбу принцип биринчидан, бевосита суд жараёнида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг иштирокига, иккинчидан, суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг қандай тартибда эълон қилинишига тааллуқлидир⁶.

Очиқ ҳукумат (очиқ давлат) – бу давлат бошқаруви устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадига фуқароларнинг давлат ҳужжатлари ва ҳаракатлари ҳақидаги ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини қувватловчи давлат бошқаруви доктринаси ҳисобланади⁷.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “ошкоралик” – ошкора хусусиятга эгалик, очик-ойдинлик маъноларини, “очиқлик” эса очик эканлик, равшанлик, ошкоралик маъноларини англайди⁸.

Шаффофлик (транспарентлик) гуманитар ва ижтимоий жиҳатдан очиқликни, мулоқотни ва ҳисобдорликни англатса, ижтимоий шаффофлик – жамият ҳар бир аъзосининг жамият ҳақида ҳаққоний маълумот олиш имкониятини англайди, тадбиркорлик шаффофлиги – ваколатли манфаатдор шахсларга корхона тўғрисида ҳаққоний маълумотни тақдим этишдир⁹.

Қайд этилган фикр-мулоҳазалар ҳамда қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқиб, судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлиги бир-биридан фарқланувчи тушунчалар ҳисобланади. Фикримизча, суд ҳокимиятининг очиқлиги ошкораликка нисбатан кенг тушунча бўлиб, “ошкоралик” процессуал қонунчиликда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан қўлланилади, суд ҳокимиятининг очиқлиги эса одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда унинг барча фаолиятига (ички, ташқи, ташкилий ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилади.

Суд ҳокимиятининг “шаффофлиги” эса очиқлик ва ошкораликнинг натижаси ўлароқ, суд тизимида коррупцияга барҳам беришни назарда тутувчи, судлар фаолиятини фақат қонун талабларига

риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали судлар фаолияти ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш ҳолатидир.

Суд ҳокимияти очиқлигини таъминлашнинг мазмун-моҳияти уни амалга ошириш усуллари орқали очиб берилади. Хусусан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари бу – давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш), уларни расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш, ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш ва бошқалардан иборат¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 ноябрдаги СОҚҚ-272-III-сонли қарори билан тасдиқланган “Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш тартибининг 4-бандига мувофиқ судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш куйидаги усуллар билан амалга оширилади:

суд мажлисларининг суд қарори (ҳукм, ажрим)ни эълон қилиш жараёнини интернет тармоғи, радио, видеоконференцалоқа режими орқали кузатиб бориш, республика ва (ёки) маҳаллий телевидениеларда махсус кўрсатувлар орқали намойиш этиш;

судларнинг, шу жумладан, Олий суднинг интернетдаги веб-сайтларида тўғридан-тўғри онлайн тарзда намойиш этиб бориш;

босма нашрларда, шу жумладан газета ва журналларда ёритиш;

республика ва (ёки) маҳаллий оммавий ахборот воситаларига кўриладиган иш ҳақида маълумотларни кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун юбориш;

кенг жамоатчилик вакиллари, фуқароларни бевосита суд жараёнларида, ҳукм, қарор эълон қилинишида иштирок этишлари;

фуқароларни судларда кўрилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар билан суд биносида жойлаштирилган таблолар орқали таништириб бориш;

маҳаллий журналистлар учун ахборот-брифинг тадбирларини ўтказиш.

Суд органларининг очиқлиги ва шаффофлиги улар мустақиллигининг кафолатларидан бири ҳисобланиши боис, фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда судьялар ҳамжамияти органларининг салмоқли ролини эътиборга олиб, ушбу органлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ҳам биргаликда ўрганиш талаб этилади. Шу боис, суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари деганда давлат томонидан судлар ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг қонунда назарда тутилган вазифаларини ошқора амалга ошириш, улар фаолияти ҳақидаги маълумотларга фуқароларнинг эркин эга бўлишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тушунилади.

Суд ҳокимиятининг очиқлиги суд фаолияти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш, суд муҳокамасининг ошқора ўтказилиши, сайёр суд мажлисларининг ташкил этилиши, суд биноларига тўсиқларсиз кириш, ҳайъат мажлисларида жамоатчилик иштирокига шароитлар яратиш, суд қарорларини очиқ эълон қилиш ва мазмунини тушунтириш, суд қарорларини суднинг веб-сайтига жойлаштириш, судлар фаолияти бўйича ҳисоботларни эълон қилиш, суд органларининг ОАВ билан ҳамкорлиги, суд раислари ва судьялар томонидан брифинг ва очиқ мулоқотлар ўтказилиши, суд амалиёти обзорларининг чоп этилиши, суд ҳаётидаги ёрқин ва муҳим воқеаларнинг ОАВда ёритилиши, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнларини кузатиб бориш, танлов натижаларини эълон қилиш, судьяларни жавобгарликка тортишда уларнинг иштирокини таъминлаш каби усуллар билан таъминланади.

Суд ҳокимиятининг очиқлиги принципининг яна бир жиҳати суд органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Суд жараёнларини журналист томонидан бевосита, тўғридан-тўғри ёритиш аксарият ҳолларда поймол қилинган ҳуқуқи ҳимоя қилинаётган шахснинг дахлсизлик ҳуқуқига нисбатан жамоатчилик қизиқиши ҳамда ахборот олиш эркинлиги ҳуқуқига кўпроқ устуворлик беради. Айни вақтда ҳимоя қилинаётган ёки айбланаётган шахс вояга етмаган бўлса келажакда унинг жамиятга қайта қўшилиши, шаъни ва қадр-қиммати жамоатчиликнинг ахборот олиш манфаатидан устун туради. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари суд ҳокимияти ва бевосита суд жараёнлари тўғрисидаги ўзларининг хабарларида муайян талабларга амал қилиши лозим бўлади ва бундай талаблар тегишли норматив ҳужжатларда ўз аксини топган¹¹.

Ўзбекистон Республикаси судьялари одо-ахлоқ кодексининг 14-моддасига кўра суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот

воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас. Агар оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тарқалиши натижасида судлар ва судьялар фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлса, оммавий ахборот воситаларининг бундай чиқишларига нисбатан судья қонун ҳужжатларида назарда тутилган усулларда муносабат билдириш ҳуқуқига эга¹².

Демак, судлар ва ОАВнинг ҳамкорлиги судлар фаолиятининг очиқлигига, улар ҳақидаги маълумотларни кенг оммага етказилишига, фуқароларнинг низолашилаётган ҳуқуқларини судлар томонидан ишончли ҳимоя қилинишига, аҳолининг судларга нисбатан ишончини кучайтиришга сабаб бўлади. Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг чегарасини аниқ белгилаш, сўраб олинаётган ёки тарқатилаётган маълумотлар одил судловни амалга оширишга таъсир кўрсатмаслиги, судьяларнинг мустақиллигига даҳл қилмаслиги ҳамда атайин судларнинг нуфузини туширмаслиги бўйича чора-тадбирларни кўриш лозим бўлади.

Судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, одил судлов ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш каби усулларда амалга оширилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилган бўлса, 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарорига мувофиқ эса судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари белгиланди¹³.

**“Қимки бир кеча-кундуз
Аллоҳ йўлида Ватанини
қўриқласа, худди бир ой кундузи
рўза ва кечаси ибодат билан ўт-
казгандай ажерга эга бўлади”.**

Ҳадис

Суд ҳокимияти фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ҳам аҳамияти жуда салмоқлидир. Зеро, бундан биринчи навбатда фуқаролар манфаатдор бўлиб, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларининг судлар томонидан ишончли ҳимоя қилинишига эришилади. Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда оммавий сектор доирасидан ташқари бўлган фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар каби алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиши, бундай иштирокни эса қарор қабул қилиш жараёнида шаффофликни кучайтириш, аҳолининг маълумотни эркин излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқини самарали таъминлаш каби воситалар билан мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилган¹⁴.

Шунингдек, “халқ маслаҳатчиси” институти ҳам судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминловчи механизмлардан биридир. Жиноят процессуал кодексининг 14-моддасида судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқишлари ва ҳал қилишлари белгиланган бўлиб, ушбу жараён халқ вакили бўлмиш халқ маслаҳатчилари томонидан судьялар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш мустақил суд ҳокимиятига нисбатан белгиланган асосий талаблардан бири бўлиб, халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунларда умумэтироф этилган фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш воситаларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/68532>
2. <https://lex.uz/docs/2381133>
3. <https://lex.uz/docs/52268>
4. <https://lex.uz/docs/4751577>
5. Пўлатов Б.Х. Судларда ишларни очиқ-ошкора кўриб чиқиш. Ж.: Одиллик мезони. - №5, 2020 -Б.36-38.
6. Б.У.Жамолов. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 132-бет.
7. https://ru.wikipedia.org/wiki/Открытое_государство
8. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%200.pdf
9. ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B7%D1%80%D0%B0%D1%87%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C
10. <https://lex.uz/docs/2381133>
11. Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 133-бет.
12. Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 бет.
13. <https://lex.uz/docs/4979896>
14. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ДИНИЙ АСОСЛАРИ

Дунё иқтисодиёти ҳар йили коррупциядан 2,6 триллион АҚШ доллари миқдоридан зарар кўради. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади. Ушбу рақамларнинг қанчалик улканлигини тасаввур қилиш учун Россия Федерациясининг жаҳон ялпи маҳсулотига улуши билан таққослашимиз кифоя. Яъни, Россиянинг жаҳон ЯИМдаги улуши салкам 3.1 фоизни ташкил қилади.



Бобомурод ЭШҚУВАТОВ,
Тошкент давлат
юридик университети
магистранти

Порахўрлик аралашмаган жойда ҳар бир инсоннинг истеъдоди намоён бўлади, ютуқлари илгари сурилади. Бундай инсонлардан албатта Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби мутафаккирлар етишиб чиқса, ажаб эмас. Юксак тараққиётга эришиш учун фуқаролар ўзини эмас, амал курсисини эмас, балки жамият манфаатини ўйлаб иш тутса ўшандагина порахўрликнинг илдизини қуритиш мумкин.

Порахўрлик – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятга тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Порахўрлик ҳақида шуни айтиш керакки, тарихда коррупция иқтисодий ҳодиса сифатида товар-пул муносабатлари бор жойда мавжуд бўлиб келган. Давлатда иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хил чеклашлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан ҳоли, чекланмаган ё рухсат бериш, ёки тақиқлаш ваколати коррупциянинг илдиз отишига замин яратади. Шу билан бирга, катта бойликларга эга бўлган баъзи ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш ва бозордаги рақобатда алоҳида имтиёзларга эга бўлиш мақсадида ҳукумат амалдорларини пора эвазига сотиб олиш, уларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар.

Ушбу иллатга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг ички ахлоқий-руҳий маслағи ва эътиқодига айланиши керакки, бу коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қилади. Қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масала-

си алоҳида ўринни эгаллайди. Унда ёши ва касбидан қатъий назар барчанинг ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиши, айниқса, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Коррупциянинг ҳуқуқий сабаблари ҳақида тўхталганда, унинг ривожини давлатдаги қонунларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, номукамал бўлган қонунлар ишламайди ва коррупцияга мойил шахслар бундан устамонлик билан фойдаланишга интилади. Коррупциянинг ижтимоий сабабларига жамиятдаги носоғлом муҳит, аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданияти, маънавиятининг куйи (паст даражада) эканлиги, диний-маърифий саводсизлиги, уюшқоқлик ва жамоатчиликдаги фаолликнинг етишмаслиги киради. Шуниси эътиборлики, жамиятдаги ижтимоий онгнинг у ёки бу тарзда ўзгаришига одамларда давлат ва қонунларга нисбатан ишонч пайдо бўлишига раҳбар ходимларнинг ўз вазифаларини қай даражада амалга оширишлари ўз таъсирини кўрсатади. Улар томонидан тўғри ва адолатли қарорлар қабул қилинса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланса, ижтимоий ҳимоя кучайтирилса, халқнинг жамиятда адолат, ҳақиқат борлигига ишончи ортади. Унинг акси бўлса? одамлар орасида норозилик ва ҳукуматга нисбатан ишончсизлик юзага келади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш бўйича асосий қонун сифатида Жиноят кодекси эътироф этилади. Жиноят кодексининг 15 га яқин турли моддаларида жазо қўллаш белгиланган. Аммо, фақатгина қонун доирасида бу иллат билан курашиб бўлмайди. Аввало бунда фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва диний-маърифий маданияти ҳам муҳимдир. Агар фуқаро ҳуқуқий ва шаръий билимларни яхши билса, коррупция илдиз отишининг олди олинади.

Коррупция ва порахўрликнинг зарарли иллатлари Ислом шариатида қаттиқ қораланади. Аввало, “Шаърият” деганда – Ислом давлат-

ларида ва барча мусулмон халқлари учун риоя этилиши қатъий бўлган, Қуръон ва Ҳадисга асосланган диний-ҳуқуқий ва ахлоқий қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади. Бу ўринда бировнинг ҳақини ноҳақ ейиш ҳамда пора берувчи ва пора олувчи ҳам оғир гуноҳкор бўлишлиги айтиб ўтилади.

Нисо сураси 29-оятда шундай марҳамат қилинади:

“Эй иймон келтирганлар, бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг”.

Шунингдек, Бақара сураси 188-оятда:

“Мол ва бойликларингизни ўрталарингизда ботил (ҳаром) йўллар билан емангиз. Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўл билан ейиш мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз”.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Ҳаром еб ўсган вужуд жаннатга кирмайди” – деганлар.

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, қимор, порахўрлик, алдамчилик, фирибгарлик, маҳсулот нарҳини сунъий равишда кўтариш, ўғирлик, товламачилик каби иллатлар киради. Буларнинг орасида амалининг гуноҳи оғирлиги билан порахўрлик туради.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Пора берувчига ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларини ҳам ушбу ҳаром ишни қилганлари учун лаънатламоқдалар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари жуда оғир жазодир. Чунки, лаънат бировни Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини сўрашдир.

Яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Пора берувчи ҳам, олувчи ҳам, ўртада турувчи ҳам жаҳаннамга ташланади” – дедилар.

Одатда пора олувчини қоралаш маъносида кўп гапирамизу, пора берувчи тўғрисида гапирмаймиз. Ҳолбуки, ушбу ҳадиси шарифда пора берувчи олдин зикр қилинмоқда. Чунки, пора деб номланган иқтисодий, ахлоқий, ижтимоий жиноятни бошловчи пора берувчидир.

Шунингдек, шариатда қози (судья)ларга алоҳида эътибор берилган. Уларнинг фаолиятида коррупциянинг олдини олиш хусусида шундай дейилади: “Агар одил қози фикс йўлига кирса, масалан, пора олса, зино қилса ё ҳамр ичса – ҳоким уни ишдан четлатур.


Бир киши қозиликка пора билан эришса, шариат бўйича у қози ҳисобланмас, агар ҳукм қилса, ҳукми ўтмас (яъни бундай ҳукм бошқа қози томонидан бекор қилинган).

Қози ҳеч кимдан ҳадя олмас, ўзи учун махсус ташкил қилинган зиёфатга бормас, магар кўпчилик қақирилган бўлса, борур”.

Ислом тарихида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Асад қабиласига мансуб Ибн Лутбията исмли кишини омили садақа-закот олувчи вазифасига тайин қилдилар. Амалдор бўлиб олган Ибн Лутбията розияллоҳу анҳу ўз иш жойларига, закотини йиғиб олиши лозим бўлган диёрга жўнаб кетдилар. Маълум вақт ўтиб, ишни бажариб қайтиб келдилар. Йиғиб келган закотни хазина-байтул молга, мана бу сизларга, деб топширдилар. Аммо, у кишининг ҳузурда топширилган молу-мулкдан ташқари яна баъзи нарсалар қолди. Ибн Лутбията розияллоҳу анҳу ўша қолган нарсалар нима эканлигини баён қилиб, мана бу эса, менга ҳадя қилинди, дедилар. У кишининг фикрича, ҳадя олишга ҳақлари борлигидан ана шундоқ тасарруф қилдилар.

Ҳар бир жамиятда, ҳар бир тузумда, ҳар бир шахс худди шундай ўйлайди. Аммо, Исломда ундай эмас. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам амалини ишга солиб ҳадя олган қиёмат куни ўша олган нарсаси туфайли албатта жазога тортилишини Аллоҳнинг номи ила ўз муборак номларини ва қимматли жонларини орага қўшиб қасам ичиб таъкидлаб туриб баён қилмоқдалар: “Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, сиздан кимки ўшандан бирор нарса олса, албатта қиёмат куни уни бўйнида кўтариб келади. Туя бўлса пишқириб, сигир бўлса бўкириб, қўй бўлса маъраб туради”.

Қиёмат куни ўз даҳшати билан ҳаммаёқни қамраб олган, ҳамма ўзи билан ўзи овора, отанинг бола билан, боланинг ота билан, онанинг қизи билан, қизининг она билан, эрнинг хотин билан, хотиннинг эр билан, иши йўқ. Ҳамма ўз



нажотини кўзлаб, зорланиб, кўзлари қўрқинчга тўлиб турибди. Шундай бир пайтда, бу дунёда порага туя олган бўйнида пишқириб турган туяни аранг кўтариб, қомати букилиб, иши расво бўлганидан ўкиниб, зор-зор йиғлаб келмоқда, унинг ёнида бошқа бири бўйнида бўкириб турган сигирни, яна бошқаси маъраб турган қўйни кўтариб келмоқда...

Демак, буларнинг сўроқ-саволи, ҳисоб-китоби, далил-гувоҳи ўзлари билан. Албатта, туя, сигир ва қўйлар ўша вақтда закотга омилларга берилиши эҳтимоли кучли поралар сифатида зикр қилинмоқда. Мазкур ҳайвонлардан бошқа нарсаларни, жумладан пулни олганларга ҳам ўзига яраша шармандали ҳолат бўлади. Уларнинг барчалари ўз жазоларини албатта оладилар. Мазкур ҳукм Пайғамбаримиз томонидан етказилиши керак бўлган илоҳий ҳукм эди. Демак, қиёмат кунидан умиди бор ҳар бир шахс пора олмаслиги ва бермаслиги лозим.

Бу борадаги асослар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Жиноят кодексининг 211-212-моддаларида порахўрлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жамият учун ижтимоий хавфи юқори ва оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар тоифасига киради. Ушбу жиноятлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизига путур етказибгина қолмай, янги жиноий қилмишлар содир этилишига ҳам йўл очиб бериши мумкин. Шу боис, пора берганлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жиноий жазоларнинг кучайтирилгани салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида жиноят ва жазо масалаларини ҳал этишда “Темур тузуклари” алоҳида ўрин эгаллаган. Тузукларда мулкни, хусусан, давлат мулкни ўзлаштирганлик учун жавобгарликни белгилашда ўзига хос ёндашув мавжуд бўлган.

Ўша даврда амалдорлар ишини тартибга солиш мақсадида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов ўтказиб турилган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий равишда ичкилик ичиш, маиший бузқлик каби қилмишлар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Ҳалил Султонлар юқорида зикр этилган меъёрларни бузганлик учун халқ олдида жазога тортилган.

Исломи шариатида Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам ношаръий (диний-ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларга зид) йўл билан даромад орттиришнинг оддий ўғрилиқдан бир неча марта оғир гуноҳ эканлигини такрор-такрор айтиб, унинг аламли оқибати нима бўлишини очиқ-ойдин баён қилиб қўйганлар. Шундан кейин ҳам



мазкур гуноҳга қўл урган одам қиёмат куни қаттиқ азоб-уқубатга учрайди.

Муоз ибн Жабал розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам мени Яманга (ишга) юбордилар. Жўнаб кетганимдан кейин орқамдан одам юбордилар. Қайтариб олиб келишди. Шунда У зот: Сенга нима учун одам юборганимни биласанми? Менинг изнимсиз бирор нарсани олмагин. Чунки, у ғулудир. Ким ғулудир олса, қиёмат куни ғулуд (ношаръий йўл билан топилган мол-мулк) олган нарсаси ила келур”.

Бугун кўпгина жамиятларда инсонлар порахўрлик балосидан жафо чекмоқда. Порахўрлик туфайли ноҳақлик ҳақнинг устидан, нопоклик поклик устидан, зулм адолат устидан, хиёнат омонат устидан голиб келмоқда. Инсонлар бу балодан қутулишлари учун ҳуқуқий саводхонлик қатори Исломи дини шариатида ҳамда жамиятнинг ахлоқий нормаларига юзланишлари лозим. Ана шундагина бошқа кўплаб муаммолар қатори порахўрлик муаммосининг олди олинишига эришилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев фарзандларимизга болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга ўргатишни назарда тутиб, ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари лозимлигини таъкидладилар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро хоҳ у давлат хизматчиси, хоҳ оддий ишчи бўлишидан қатъий назар шуни англаши керакки, юртимиздан коррупция илдиэларини бутунлай йўқотмасдан мамлакатимизни ривожлантириб бўлмайди. Зеро, барчамизга маълумки, қон-қонимизга сингиб кетган қўштирноқ ичидаги “таниш-билишчилик”, “қариндош-уруғчилик” каби иллатлар ҳам коррупциянинг бир кўриниши сифатида деярли барчамизнинг ҳаётимизга кириб борган.



Ислом ҲАЙИТБОЕВ,
Божхона институти
магистратураси
тингловчиси, божхона
хизмати лейтенанти

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 2021 йил 3 март куну regulation.gov.uzда Жиноят кодексининг (ID 29646) лойиҳаси эълон қилинди. Мазкур кодекснинг янги лойиҳасида 230-моддаси (ҳозирги 182-модда) “Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб номланиб, моддани қуйидаги 3-қисм билан тўлдириш режалаштирилган:

“Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида, ушбу моддада назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у содир этилган жиноят ҳақидаги хабарни олган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда божхона тўловларини, шу жумладан божхона тўловлари ўз вақтида тўланмаганлиги учун устамани тўлиқ тўлаган, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган ва товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши чекланган ва тақиқланган товарларни олиб ўтиш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно.”

Лекин, мазкур қисмни ўрганиш давомида қуйидаги жиҳатларни алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, ажнабий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар кўрсатилган.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнига бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда ёки рўйхатдан ўтмаган субъект томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

Масалан, ТИФ субъекти сифатида рўйхатдан ўтмаган шахс томонидан ташқи савдо битимларисиз товарларни божхона назоратини четлаб божхона чегарасидан ўтказиш;

божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилган товарларни сақлаш, сотиш;

тижорат мақсади учун мўлжалланмаган товар ниқоби остида товарларни божхона чегарасидан ўтказиб, кейинчалик уларни реализация қилиш каби ҳолатлари билан боғлиқ тарзда ҳам содир этилиши мумкин.

Ушбу ҳолларда мазкур нормани татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу меъёرنинг қабул қилинишидан мақсад тадбиркорлик субъектлари учун янада қулайлик ва шарт-шароитлар яратиш ҳамда “хуфёна иқтисодиёт”нинг улушини камайитириш ҳисобланади.

Шу сабабли, ушбу норма бўйича унинг амал қилиш доирасига тушадиган субъектлар тоифасини кенгайтириш ҳамда рўйхатдан ўтмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳам қонунийлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бу эса мазкур соҳадаги жиноятлар учун жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги норманинг ТИФ жараёнида легал ёки нолегал тарзда иштирок этаётган барча субъектларни қамраб олиши, улар томонидан қонунни бир хил тарзда талқин этилишига ҳамда бу борадаги тенглик ва адолат принципларига нисбатан ишончининг ортишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, мазкур норманинг 3-қисмида келтирилган “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида...” деган жумлани чиқариб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, ушбу қонун лойиҳасини қўшимча равишда 4-қисм билан тўлдириб, унда божхона тўловлари тўлашдан озод этилиши мумкин бўлган ҳолатлар учун қонун лойиҳасининг 3-қисмида кўрсатилган қоидаларни татбиқ этилмаслиги, бундай ҳолатларда умумий тартибда жавобгарлик келиб чиқиши ҳақидаги нормани жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, бундай ҳолатларга Ҳукумат қарорлари асосида экспорт ёки импорт божхона божлари ёки бошқа тўловлардан озод этилган ҳолатлар бўлиши мумкин.

Шу сабабли, мазкур қонун лойиҳасига қўшимча равишда қуйидаги таҳрирдаги, яъни

“Ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган қоидалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловларини тўлашдан озод этилган, шу жумладан, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди” — деган 4-қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз. Лекин, Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясида келтирилган норма билан мазкур нормани фарқлаш лозим. Биз таклиф этаётган мазкур 4-қисм бевосита Президент қарор, фармон ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари асосида товарларни божхона тўловларидан имтиёз қўлланган ҳолда расмийлаштирилган, аммо, мақсадсиз ишлатиб юбориш ҳолатлари ёки имтиёз нотўғри қўлланилган ҳолатларга нисбатан қўллаш назарда тутилмоқда. Чунки, мазкур хатти-ҳаракатлар доимо пухта ўйланган режа асосида, қасд билан содир этилади. Жиноят қонунчилигига асосан қасд

орқали содир этилган жиноятларни либераллаштириш, уларни жазодан озод қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Тадбиркорлик субъектлари мазкур хатти-ҳаракатларни қасддан содир этса-да, ҳозирда ЖКнинг 184-моддасига асосан тўловларни тўлаб, жавобгарликдан қутулиб қолишмоқда. Агар ЖКнинг 182-моддаси юқоридаги бу 4-қисм билан тўлдирилса, барча фуқаролар онгида жиноят учун жавобгарлик муқаррарлиги шаклланади. Айтмоқчимизки, юқоридаги ҳолатларда божхона тўловлари билан боғлиқ жиноятларни ЖКнинг 184-моддаси билан эмас, айнан 182-моддаси билан малакалаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, божхона тўловларидан бўйин товлаш жинояти агар чегара билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти билан малакалаш нотўғри ҳисобланади. ЖКнинг 184-моддасида назарда тутилган жиноятнинг содир этиш усуллари орасида божхона назорати, расмийлаштируви, товарларни чегарадан олиб ўтиш билан содир этиш усули мавжуд эмас.

Умуман олганда божхона соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, иш юритиш, жиноятларни тегишлилигига кўра юбориш, якуний қарорлар қабул қилиш доим мураккаб бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 329-моддасининг 3-қисмига биноан “...Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

- ➔ *ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;*
- ➔ *олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;*
- ➔ *янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.*
- ➔ *етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса”.*

Таҳлилларга кўра, амалиётда айрим ҳолларда олиб борилаётган терговга қадар текширув ҳаракатларини мазкур муддат давомида яқунлаш ва жиноят иши юзасидан аниқ бир қарорга келиш имконсиз бўлмоқда. Хусусан, аниқланган ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув давомида экспертизалар тайинланиб, хорижий давлатларга сўровномалар юборилмоқда, лекин, хулосалар ва жавоб хатлари узоқ муддатларда олинган.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида”ги 200-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, қонунбузарлардан ашёвий далил сифатида олинган қимматбаҳо



металлар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари бўйича суд-техникавий экспертизалари Тошкент шаҳридаги Марказий банк ҳузуридаги қимматбаҳо металлар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасида тайинланиб келмоқда. Низомнинг 7-бандига асосан экспертиза натижалари тўғрисида экспертиза органи уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса бир сутка мобайнида мол-мулкни олиб қўйган органга ёзма хулоса тақдим этиши, уч кун муддатда экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолларда бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда экспертиза хулосаларини тақдим этиши кўрсатилган. Таҳлилларга кўра, Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан эса, экспертиза хулосаларини тақдим қилиш 1-2 ойгача муддатга чўзилиб кетмоқда. Бундай ҳолда, терговга қадар текширув муддати прокурор томонидан бир ойга узайтирилган бўлса ҳам, экспертиза хулосасини олмасдан туриб, иш бўйича бирор бир якуний қарор қабул қилиб бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки чет эл фуқаролари томонидан мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилган товарлар билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан хорижий давлатларга ДБҚ орқали сўровномалар юборилиб, кўпчилик ҳолатларда жавоблари ордан 2 ёки 3 ой муддат ўтганидан кейин келиб тушади. Айрим ҳолларда, қонунбузарлик содир қилган фуқаролар ишчи мигрант сифатида чет элларга кетмоқдалар. Бундай вазиятда улардан ҳолат бўйича тушунтириш хатини олиш имконияти мавжуд эмаслиги натижасида иш материали бўйича бирор бир тўхтамга келиб бўлмайди.

Маълумот учун, божхона органлари томонидан 2020 йил давомида жами 545 та (498 та) жиноят ишлари кўзғатилган, шундан 278 та (313 та, 51%) ҳолатда терговга қадар текширув муддатлари узайтирилган.

Юқоридагиларга кўра, амалиётда қонунчиликда белгиланган 1 ойлик муддат иш материали бўйича якуний қарор қабул қилиш учун етарли эмаслиги аён бўлмоқда. Прокуратура ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан юқоридаги каби ҳолатлар билан боғлиқ иш материаллари назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, ЖПКнинг 329-моддасида назарда тутилган муддатда иш материали юзасидан қонуний қарор қабул қилинмаган деб тақдимнома киритилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, юзага келаётган муаммолар ва қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ЖПКнинг 329-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Ушбу модданинг 3-қисмида кўрсатилган узайтиришга асос бўлган ҳолатларни бир ойлик муддат ичида бартараф этишнинг имкони бўлмаган айрим ҳолларда вилоят прокурорининг соҳавий ўринбосарлари томонидан кўпи билан уч ойгача узайтирилиши мумкин”.



**Исамиддин
ИСМАИЛОВ,**
Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг
профессори

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ҚОНУН ИЖРОСИ МЕХАНИЗМИ



Элбек АЗИЗОВ,
Ички ишлар
вазирлиги Акаде-
миясининг катта
ўқитувчиси,
мустақил
изланувчи

Ҳуқуқ назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунлар ижросини таъминлаш механизмига оид бўлган “ҳуқуқ ҳаракати механизми”, “ҳуқуқни ижро этиш механизми”, “ҳуқуқни амалга ошириш механизми” каби атамалар қўлланилади. Ҳуқуқшунос олимлар томонидан “қонунни татбиқ этиш”, “қонунни қўллаш”, “қонунлар ижросини ташкил этиш”, “қонунларга риоя этиш” каби мазмунан ва ўзаро алоқадор бўлган тушунчалар ишлаб чиқилган ва бу жараён муттасил давом этиб келмоқда.

Бирок, ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳозирда тадқиқ этилаётган масалага нисбатан ягона умумэътироф этилган ёндашув мавжуд эмас. Таҳлил қилинаётган тушунча назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги, амалдаги қонунчиликда ушбу атама таърифнинг мавжуд эмаслиги унинг мазмуни ҳамда амал қилиш доираси (чегараси) ни аниқлаштириш имконини бермайди.

Шу боис, қонунлар ижросини таъминлаш механизми тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш зарурати юзага келади. Қонунларни ижро этиш механизмини таҳлил этишдан олдин, ушбу атаманинг этимологик жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз. Механизм атамаси (лот. *mechanе* — қурол, машина) бир неча маъноларда қўлланилади. Масалан, машина, асбоб, аппарат ва шу кабиларнинг ички, ишга солувчи қисмлари, ички тузилиши ёки бирор ишни бажарувчи мураккаб машина, унинг ички тузилиши, система, яна шунга ўхшаш, бирор нарсанинг ўзаро боғлиқ бўлган ва яхлитликни ташкил этувчи қисмлари маъносиди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қонунлар ижросини таъминлаш механизми тушунчасига нисбатан: “таъмин” — бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ маъносини англатса, “механизм” — ҳар қандай фаолият, жараённинг тартибини белгилайдиган тизим, қурилма. Масалан, давлат механизми, ҳуқуқий механизм”, — деб талқин этилади. Бу борада профессор Ҳ.Одилқориевнинг “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” китобида шундай фикр келтирилади: “механизм” — бир қанча мустақил ҳодисалар, қисмлар (унсурлар)нинг ўзаро алоқадорлик асосида, бир бутун агрегат сифатида ҳаракат қилишидир. Механизмга аниқ, қатъий ва бир маромда ишлаш хосдир. “Механизм” унсурларнинг оддий йиғиндиси сифатида мавжуд бўлмайди. У таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлик асосидаги жипслиги билан, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этиши билан, айнан мана шу муносабатлар негизда ҳаракатланиши, ривожланиши ва такомиллашуви билан тавсифланади”¹. Механизм атамасининг маъноларидан шу нарса кўзга ташланадики,

биринчидан, сўз мураккаб ҳодиса ҳақида бормоқда, иккинчидан, у тизим характериға эга, учинчидан, уни ташкил этувчи таркибий қисмлар ўзаро чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этади, биридаги ўзгариш, албатта, бошқасига таъсир кўрсатади, тўртинчидан, мазкур ҳодисалар қотиб қолмасдан, доимий ўзгаришда, такомиллашувда, ривожланишда бўлади. Б. Янгибоев эса “Ҳуқуқни амалга ошириш давлатнинг ваколатли органлари томонидан юридик жиҳатдан норматив тарзда мустақамланган ва кафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши ҳамда кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида татбиқ этилиши, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатга айлантирилиши демакдир. Ҳуқуқни татбиқ этиш ўзаро ички боғланган, бир-бирига ўзаро таъсир этиб турувчи элементлардан ташкил топган механизм”², — деб талқин этади.

Рус ҳуқуқшунос олими В. Шароновнинг тадқиқотларида “ижро” атамаси нафақат алоҳида ҳуқуқий ҳодисаларга (тўғридан-тўғри топшириқлар, шунингдек уларни ифодалашнинг барча шакллари), балки қонунлар ва давлат тан олган бошқа манбаларда ифодаланган мажбурий меъёрлар (юриш-туриш қоидалари) хулқ-атворнинг қонунийлигини ёки аксини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади”³, — деган фикрларни учратиш мумкин. Рус олими В. Гойман эса қонунларни ижро этиш механизми деганда давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар томонидан амалга оширилдиган, қонунни аниқ ҳаракатини таъминлашга ҳамда фуқаролар, уларнинг бирлашма ва ташкилотлари ўз ҳаракатларини қонун талаби билан мувофиқлаштирилиши, ўзларининг турли-туман манфаатлари ва эҳтиёжларини тўсиқсиз ва самарали қондиришга имконият берадиган, моддий-техник, ташкилий-бошқарув ва махсус-ҳуқуқий характерга эга бўлган, ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар мажмуасини тушунади”⁴.

Қонунлар ижросини таъминлаш масаласи таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу механизм тўғрисида гапирганда, албатта, унинг кенг ва тор жиҳатлари ёки унинг ички ва ташқи механизми хусусида фикр юритиш керак. Ички механизмда қонунларни ижро этишнинг йўл-йўриги,

тартиби, жараёни қамраб олинса, ташқи механизмда ижрога ундайдиган, туртки берадиган, назорат қилишга имкон берадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий воситаларнинг мавжудлиги ва самарали фаолияти қамраб олинади. Бизнингча, қонунларни ижро этиш механизми деганда, қонунларнинг бекаму-қўст амалга оширилишига имкон яратадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири, узвий ҳаракати тушунилади. Юқорида айтиб ўтилган омилларнинг тўлиқ инобатга олиниши қонунларнинг ижро этилиши самарадорлигини таъминлайди. Демак, қонунлар ижросини таъминлаш механизми ижтимоий-сиёсий, психологик, ҳуқуқий омиллар таъсири остида шаклландиган, амалдаги қонун ҳужжатларини ижросчиларга етказиш, унда ижтимоий фойдали мақсадларни белгилаш йўли билан субъектларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариш, ҳуқуқий хулқ-атворнинг ижтимоий фойдали шаклларини жорий этиш, тартибга солиш ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий назорат уйғунлигини таъминловчи мураккаб жараёндир.

Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлаш механизмларининг ишламаслиги ёки улардаги бўшлиқ ва зиддиятларнинг мавжудлиги, тизим фаолиятида очиқлик ва шаффофлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, коррупцияга, экстремизмга қарши курашни таъминлаш каби ташқи ва ички функцияларни амалга оширишда ҳам яққол кузатиш мумкин. Ички ишлар органларида қонунлар ижросини таъминлашнинг халқчил ва замонавий механизми ва уларни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларини яратиш ва янада такомиллаштиришда халқ манфаати, миллий кадриятлар, янгиланиб бораётган жамият эҳтиёжлари, Конституция ва қонунлар, фармон ва қарорлар, янгича ғоя ва қарашлар, фикр-мулоҳазалар, ратификация қилинган халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқ назарияси талаблари муҳим ўрин тутди.

Жумладан, жамиятда, хусусан ички ишлар органларида қонунлар ижроси механизмини такомиллаштиришда дунёдаги глобаллашув жараёнлари, шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазиятлар, уруш ва можаролар шароитида ички ишлар органлари куч ва воситаларининг юртимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши, жамиятда барқарор тараққиётни таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хавф-хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туриш зарурати ҳамдир. Янги кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар, уларнинг сабаб ва шароитлари, пайдо бўлиши, кўпайиши, жамоатчилик назорати, соҳада тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларга бўлган эҳтиёж, уларнинг тўлиқ ва мукамал ижросини таъминлаш ҳамда тизимда туб ислохотлар ўтказиш, хусусан қонунлар ижросини таъминлашнинг халқчил ва замонавий механизмларини амалиётга жорий этиш, жамиятда, хусусан ички ишлар органларида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси механизмини амалиётга жорий этиш ҳам шулар жумласидандир.



Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар ижроси идоравий мониторингини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, тизимда қонунлар ижросини самарали таъминлашда ходимларнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданиятининг етарли эмаслиги, ижро назоратидаги эски ва самарасиз усуллар, хусусан ижрони қоғозда акс эттиришнинг сақланиб келинаётганлиги, ижронини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун масъул ходимларнинг махсус касбий билим ва тажрибаси етарли эмаслиги, таркибий тузилмалар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этишдаги сусткашлик ва шунга ўхшаш бир қанча омиллар тўсқинлик қилиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, бугунги кунда қонун ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг асосий воситасига айланиши, уларнинг ҳар бир ҳаракати фақат қонун талаблари асосида амалга оширилиши, ҳар қандай мураккаб ва зиддиятли вазиятда инсон ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўйилиши мумкин эмас. Бу Конституция, Ўзбекистонда шаклланаётган янги жамият, халқимиз ва Президентимиз талаби.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.М., Чориёров У. ва бошқ.; Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, 2000. – Б. 364.
2. Янгибоев Б.Ж. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т.: ТДҲОИ, 2004. – Б. 9.
3. Шаронов В.С. Исполнение законов как одна из форм проявления исполнения прав /Международный научно-исследовательский журнал № 12 (66) Часть 2 Декабрь 2017, С. – 135-137. (<https://research-journal.org/law/ispolnenie-zakonov-kak-odna-iz-form-proyavleniya-ispolneniya-prav/>).
4. Гойман В.И. Действие права: (Методологический анализ): автореферат дис. ... доктора юридических наук [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.dslib.net/teoriaprava/gojman-dejstvие-prava.html> / (дата обращения: 24.03.2020).



**Маннон
ЎКТАМОВ,**
Божхона
институтини
магистрантини

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЭЛЕКТРОН (РАҚАМЛИ) ДАЛИЛЛАР ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада замонавий ахборот-технологияларни ривожлантириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)га янги тушунчалар “электрон (рақамли) далиллар” тушунчаси кабиларни киритиш ва қонунчиликнинг янги жабҳаларини ёритиш назарда тутилган.

Калит сўзлар: *Электрон ҳужжат, электрон жиноят иши, электрон далиллар, рақамли далиллар, бинар маълумотлар.*

Ашёвий далиллар ўз физик хоссаларига ва тузилишига эга ва уларни очик кўз билан кўриш, ҳис қилиш, ушлаб кўриш ва идрок қилиш мумкин. Лекин, биз электрон (рақамли) далил сифатида талқин қилишни мақсад қилган маълумотлар, яъни рақамли фактларни қуролланмаган кўз билан кўриш имкони мавжуд эмас ва улар физик тузилиш ва хусусиятга ҳам эга эмас. Масалан, смартфон, компьютер, планшет ёки телефонлар ўғирланганда уларнинг ўзи жиноий ҳаракатлар объекти бўлган нарсалар¹ сифатида қаралиб ашёвий далил сифатида эътироф этилган бўлса, уларнинг хотирасидаги (кеш ёки флеш-карта) қимматли (асосан алгоритмик рақамли кўринишдаги) маълумотларни биз ашёвий далил сифатида эътироф эта олмаймиз. Чунки, мазкур қурилмаларда сақланаётган шахсий маълумотлар ёхуд қимматли интеллектуал мулк ашёлари физик хоссага эга эмас ва уларни ашёвий далил сифатида эътироф этиш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли электрон (рақамли) далилларни алоҳида далил тури сифатида эътироф этиш ва улар сақланадиган қурилмаларни агар ишга зарур бўлса ашёвий далил сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз ўрнида ҳақли савол туғиладики, “электрон (рақамли) далиллар”нинг ҳуқуқий мустаҳкамланиши, “электрон суд мажлислари” “масофадан сўроқ қилиш” сингари янги институтларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидан ўрин олиши қандай янгилик бўлади ва нимага хизмат қилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида шундай дейилган эди: “Жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш лозим. Нега деганда, Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари қарийб 25 йил олдин қабул қилинган. Ўтган даврда жамиятдаги муносабатлар, одамларнинг яшаш тарзи, онги, дунёқараши ўзгарди. Шу сабабли бу кодекслар бугунги давр талабларига жавоб бермай қолди.

Маълумки, қонунчиликда жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид моддалар бор. Лекин, улар терговчи ёки судьянинг ихтиёрига, яъни инсон омилига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда биз учун муқаддас бўлган адолат мезони бузилади. Шунинг учун жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.”²

Шу жиҳатдан олиб қараганда тўпланган далилларга баҳо бериш ва улар асосида жиноят содир этган шахснинг айблилиқ даражасини аниқлаш, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни адолатли тарзда ҳал қилиш лозим бўлади. Бизнинг-ча эса, электрон далиллар тушунчасининг жиноят-процессуал қонунчилигига жорий этилиши ва унинг ҳуқуқий асоси яратилиши нафақат адолат мезонининг қарор топишига, инсон омилининг камайиши ва жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ рўёбга чиқишига замин яратади.

Даставвал, далил тушунчасининг миллий қонунчиликдаги талқинига аҳамият берадиган бўлсак, Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 1-қисмига мувофиқ “Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни

*Бувайда розияллоху анхудан ривоят қилинади: **Набий соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар: “Қозилик уч хил бўлади: Уларнинг икки хили дўзахда ва бир хили жаннатда бўлади. Билиб туриб ҳақсиз тарзда ҳукм этувчи қози дўзахда бўлади. Билмай туриб, аммо инсонлар ҳуқуқини паймол этувчи ҳукм қилувчи қози ҳам дўзахдадир. Ҳақ ҳукм этувчи қози эса жаннатда бўлади”.***

Термизий ривояти.

суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади”, деб таъриф берилган.

1-Таклиф. Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш: Ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий, **шу жумладан электрон (рақамли) маълумотлар** жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабранувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, **электрон (рақамли) далиллар**, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади тарзида ўзгартириш;

2-Таклиф. ЖПКга 204¹-модда. Электрон (рақамли) далиллар

Махсус техник воситалар ёрдамида олинган ва уларнинг хотирасида ёхуд суриштирувчи, терговчи ёки суднинг маълумотлар базасида иккилик (бинар) рақамлар форматида сақланадиган иш учун аҳамиятли бўлган электрон (рақамли) маълумотлар.

3-Таклиф. ЖПКга 205¹-модда Электрон (рақамли) далилларни олиш усуллари.

Электрон (рақамли) далиллар электрон қурилмалар ва ёхуд жиноят қуроли ёки ашёвий далил сифатида эътироф этилган қурилмалардан уларни сақлаш учун мўлжалланган махсус техник воситаларга ёхуд ўша техник воситалардан суриштирувчи, терговчи ёки суднинг маълумотлар базасига қўйилиш йўли орқали олинади.

4-Таклиф. ЖПКга 207¹-модда. Электрон (рақамли) маълумотларни электрон (рақамли) далил деб тан олиш ва уни жиноят ишига қўшиш.

Электрон маълумотни электрон далил деб тан олиш ва уни жиноий ишига қўшиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса – ажрим чиқаради.

5-Таклиф. ЖПКга 208¹-модда. Электрон (рақамли) далилларни сақлаш ва юбориш.

Электрон (рақамли) далилларни сақлаш ва уни экспертиза ўтказиш учун юборишда ёки жиноят иши бошқа суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказилиши муносабати билан юбориш чоғида электрон (рақамли) далилларнинг йўқотилиши, ўчиб кетиши, вируслар натижасида ўзгариши, қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим ва электрон (рақамли) далилларнинг сақланиши учун жавобгарлик уни олган, қабул қилган ёхуд суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириши лозим бўлган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор зиммасида бўлади.



Ишни ўтказишда у билан бирга йўлланадиган электрон (рақамли) далиллар илова хатда ёки унга илова қилинадиган рўйхатда бирма-бир санаб ўтилади. Бундан ташқари, айблов хулосасига ёки айблов далолатномасига илова қилинган маълумотномада ишга доир барча электрон (рақамли) далиллар, ҳар бирининг қаерда эканлиги (электрон жойлашув манзили) кўрсатилиб, бирма-бир санаб ўтилиши лозим.

Электрон (рақамли) далиллар электрон почта ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ягона автоматлаштирилган дастури орқали юборилганда суриштирувчи, терговчи ёки судья холислар иштирокида, зарур бўлганда эса, шунингдек эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни кўздан кечирилади ва уларни илова хати ёки рўйхати билан солиштиради. Кўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида ёзма ёки электрон шаклда баённома тузилади.

Электрон (рақамли) далиллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ягона автоматлаштирилган электрон дастурида электрон (рақамли) далилларни сақлаш учун мўлжалланган жойда ишнинг аҳамиятига қараб 3 йилдан 5 йилга қадар муддатда сақланади.

6-Таклиф. ЖПКга 212¹-модда. Электрон (рақамли) далилларни ўчиб кетганлиги, йўқотилганлиги ва зарарланганлиги учун жавобгарлик.

Электрон (рақамли) далилларни ўчиб кетганлиги, йўқотилганлиги ва зарарланганлиги учун уларни сақлашга масъул бўлган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Юқорида кўрсатилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг миллий қонунчиликда акс этиши замонавий жиноят-процессуал ҳуқуқининг ривожига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17 сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси матнидан www.president.uz



Аъзам АРИПОВ,
Куйичирчиқ
туманлараро
иқтисодий
суди судьяси

ЭВТАНАЗИЯНИНГ ТИББИЙ БИОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада эвтаназия институтининг тиббий биологик мезонлари, эвтаназияни амалга ошириш мумкин бўлган беморларнинг доираси, тиббий амалиётда даволаниб бўлмайдиган касаллик борлиги фактини аниқлашда беморларнинг турлари, ўз жонига қасд қилиш ва даволанишни чеклаш ЛОТ ўртасидаги фарқ назарий ва амалий томондан атрофлича таҳлил қилинди ҳамда бу билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш усуллари ўрганилди. Шунингдек, ҳуқуқий ва тиббий жиҳатдан юксак билимга эга бўлган олимларнинг ушбу соҳадаги қарашлари ва фикрлари таҳлил қилинди. Натижада, эвтаназия институтининг тиббий биологик мезонлари юзасидан муайян қонуннинг намунаси таклиф қилинди.

Калит сўзлар: эвтаназия; паллиатив ёрдам; даволанишни чеклаш; умидсиз бемор; даволаб бўлмайдиган бемор.



Жаҳонгир АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент давлат
юрidik универси-
тети магистрату-
ра талабаси

Кўп йиллар давомида замонавий сиёсий ва ижтимоий нутқда бўлганидек, эвтаназияни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир қанча қарашлар мавжуд. Ушбу тушунчанинг таърифини Оксфорд Инглиз луғати томонидан даволанмайдиган ва оғриқли касалликка чалинган ёки қайтариб бўлмайдиган комада азоб чекаётган беморни оғриқсиз ўлдириш деб келтирилган.

Эвтаназия сўзининг ўзи юнонча “еу” ва “тҳанатос” сўзларидан келиб чиққан ва “яхши ўлим” деган маънони англатади. Эвтаназияга бўлган қизиқишнинг ортиши, реанимация ва трансплантология соҳасида катта муваффақиятларга эришган тиббиёт тараққиёти, шунингдек, узоқ вақт давомида беморнинг ҳаёти билан курашиш ва уни қўллаб-қувватлашга имкон берадиган ҳаётни қўллаб-қувватлашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва замонавий цивилизация шароитида кадриятлар ва ахлоқий устуворликларнинг ўзгариши билан изоҳланади[1]. Замонавий илм-фан соҳасида, авваламбор тиббий ва биологик жиҳатлардан келиб чиқиб, “Эвтаназия” тушунчасига жуда кўп сонли таърифлар таклиф қилинган[2]. Умуман олганда ушбу таърифлардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, ушбу атама луғавий жиҳатдан юнон тилида ўз маъносини англатса ҳам Қадимги Юнонистонда пайдо бўлмаган, бироқ Френсис Бекон ўзининг 1623 йилги “Илмларнинг кадр-қиммати ва кўпайиши тўғрисида” асарида ушбу терминни муомалага киритган.

Шу ўринда, эвтаназиянинг тиббий ва биологик жиҳатлари — эвтаназиянинг айрим тиббий ва биологик жиҳатларини аниқлашга ва текширишга ёрдам беради. Эвтаназия масаласи мураккаб ҳусусиятга эга бўлганлиги сабабли тадқиқотлар кўп интизомли синтез усули ёрдамида олиб борилди. Эвтаназия тадқиқотларининг илмий соҳасида

тиббий ва биологик фанларнинг ҳулосалари фақат уларнинг ўзаро таъсири асосида қўлланилади.

Эвтаназия билан чамбарчас боғлиқ бўлган фан йўналишларидан бири тиббиёт фани бўлиб, у ўз навбатида биология билан чамбарчас боғлиқдир. Тиббий ва биологик жиҳатларнинг дастлабки шартлари бу эвтаназияни амалга ошириш мумкин бўлган беморларнинг доирасини аниқлашдир.

Назарий жиҳатдан аниқланиши керак бўлган шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ➔ даволаш мумкин бўлмаган касалликнинг мавжудлиги;
- ➔ тиббий даволаниш муддати;
- ➔ ўлимга олиб келадиган натижанинг муқаррарлиги;
- ➔ беморда чидаб бўлмас деб ҳисоблайдиган жисмоний азобларнинг мавжудлиги;
- ➔ мавжуд бўлган барча тиббий манбалар тугаганлиги[3].

Эвтаназиянинг тиббий ва биологик жиҳатларини таҳлил қилишда эътибор бериш жоизки, қадимги дунё шифокорлари касалликнинг даволаниши асосида даволашга тафовутли ёндашишни ҳам кузатишган.

Бу борада “Мен ҳеч кимга ўлдирувчи воситани бермайман ва бундай режа учун йўлни кўрсатмайман” дея таъкидлаган Гиппократ беморларга муносабатда бўлишда қуйидагиларни асослаган:

- ➔ энг кучли воситаларда кучли касалликлар мавжуд;
- ➔ шифобахш касалликларда тиббиётнинг имкониятлари ўз чегараларига эга;

➡ беморларнинг даволанмайдиган даражада касал ҳолатларида уларнинг тикланишини кутиш бемаънилик[4].

Шуни таъкидлаш керакки, бундай риторика замонавий тиббиётга ҳам хосдир[5]. Қадим замонларда шифокорлар даволаш мумкин бўлмаган беморларни даволаш бефойда, чунки уларни даволаш мумкин эмас деган баёнотни тузганлар. Шу билан бирга, Гиппократ ушбу ахлоқий муаммони ҳал қилиш юзасидан “Ҳа, даволаниш мумкин эмас, аммо бундай беморга ёрдам бериш – бу шифокорнинг касбий вазифасидир” дея ўз фикрини билдирган.

Айни пайтда, мутахассисларнинг фикрига кўра, эвтаназия ҳар қандай шаклда одамни ҳаётдан маҳрум қилиш ва унинг яшаш ҳуқуқини бекор қилиш учун асосли сабаб деб қаралмайди[6]. Бу, авваламбор, ушбу масала бўйича баҳсли ахлоқий, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа дунёқараш позициялари билан боғлиқ.

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг тавсияларида эвтаназияни қонунийлаштириш эмас, балки паллиатив ёрдамни ривожлантириш, оғриқни йўқотиш ва беморларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек оғир касал ва ўлим ҳолатидаги беморларнинг оила аъзолари ва бошқа шахсларга ғамхўрлик қилиш асосий устувор вазифа бўлиши керак деган позиция мавжуд.

Умуман олганда тиббий амалиётда даволаниб бўлмайдиган касаллик борлигининг далилини аниқлашда беморларнинг икки тури ажратилади:

☞ *умидсиз бемор – ҳаётий вазифаларнинг мавжудлиги ёки сунъий қўллаб-қувватланганлигидан қатъи назар, яқин соатларда, кунларда ёки ҳафталарда вафот этадиган бемор;*

☞ *даволаб бўлмайдиган бемор — бундай беморлар номукамал тиббиёт тўғрисида ҳафсаласи пир бўлиб мавжуд касаллигидан вафот этади, аммо ўлим вақти номаълум ва уни ойлар ва йиллар билан ўлчашнинг имкони йўқ[7].*

Шундай қилиб, ўзларига нисбатан эвтаназия қўлланилиши мумкин бўлган беморлар орасида қуйидаги тоифалар ажратилади:

➡ *биологик ўлими муқаррар бўлган ва касаллик билан бевосита боғлиқ бўлган оғир жисмоний азоб чекаётган беморлар;*

➡ *барқарор вегетатив ҳолатдаги беморлар. Бундай ҳолда, бемор розилик бера оладиган ҳолда ҳисобланмайди.*

Мазкур ҳолатда, ўзларига нисбатан эвтаназия қўлланилиши мумкин бўлган беморлар орасида даволашнинг чекланиши ва ўз жонига қасд

қилишга ёрдам бериш билан боғлиқ ҳолатларни учратамиз.

Маълумки, эвтаназиядан фарқли ўларок, “Даволанишни чеклаш” ҳаётни қўллаб-қувватлаш чораларини бекор қилишни амалга оширмаслик ёки келажакда инсоннинг ёмон ҳаёт башоратини ҳисобга олган ҳолда бошқа ҳар қандай аралашувларни тўхтатишни ташкил қилади. Ўз жонига қасд қилишга ёрдам бериш эса ўз жонига қасд қилишда ўлимни истаган одамга унинг ўлимига сабаб бўладиган дори-дармонлар ёки бошқа моддалар билан таъминланишдан иборат ҳисобланади[3].

Эвтаназия, ўз жонига қасд қилиш ва даволанишни чеклаш ўртасидаги фарқ — эвтаназия, ўз жонига қасд қилишда ўлим қасддан ва олдиндан ўйланган ҳолда ташқи таъсир юбориш орқали келиб чиқса, даволанишни чеклашда ўлим касаллик натижасида юзага келади, бу эса беморнинг ўлимига сабаб бўлади. Ушбу сўнги контекстда даволанишни чеклаш фақатгина Паллиатив ёрдам орқали сўнги даволаниш ва ўлимни чеклаш тўғрисида ҳаракатларни амалга ошириш мумкин.

Бу борада юридик фанлар доктори Антоненко Мариянинг фикрига кўра, тиббий воситалар ёрдамида жисмоний азоб-укубатларни тўхтатиш мумкин бўлган беморнинг ҳаётини сунъий равишда тўхтатиш масаласи умуман кўриб чиқилмаслиги керак. Эвтаназияни ҳал қилиш масаласини ўрганишда ваколатли беморнинг ушбу ҳаракатни амалга оширишга розилик берганлиги жуда муҳимдир. Чунки, бу эвтаназияни жиноий қилмишдан ажратишнинг энг муҳим мезонларидан бири бўлади[8].

Умуман олганда, ваколатли беморнинг ҳар қандай тиббий аралашувга розилиги клиник алоқанинг асосий мезони сифатида қаралиши керак. Ваколатли бемор деганда унинг соғлиқ ҳолати, даволанишнинг мақсади ва моҳияти, унга боғлиқ бўлган хавф, мумкин бўлган муқобил даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотларни тушунишга қодир бўлган бемор тушунилиши керак ва шу асосда муайян даволаш услубига рози бўлиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш керак. Шуни ёдда тутиш керакки, оғир касалликка дучор бўлган бемор соғлиғи тўғрисида объектив маълумотга эга



бўлиши зарур. Бу унинг даволаниш стратегиясини белгилашдаги иштироки нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Бу борада таниқли рус ҳуқуқшуносларидан бири А.Ф. Кони шундай дейди: “Шифокор беморга яқинлашиб келаётган ўлим тўғрисида хабар бериши керак, шунда у ўзининг маънавий ва қонуний вазифаларини бажариши мумкин”[9].

Тиббий жиҳатдан ўрганишлар шуни кўрсатадики, касалликнинг даволанмаслиги ҳақиқатининг ўзи белгиланган тартибда аниқланиши керак. Касалликни даволаш мумкин эмас деб ҳисоблаш учун даволовчи шифокор ва ушбу соҳада камида иккита мустақил мутахассисдан иборат эксперт комиссиясининг баҳоси талаб қилинади, бу эса беморнинг аҳволини яхшилаш мумкин эмаслигини тасдиқлаши керак. Аммо, беморни даволаб бўлмаслигини мутлақо аниқ айтиш мумкинми? Тиббий башорат қилиш хавфи, шунингдек нотўғри ташхис қўйиш хавфи жуда катта. Тиббиётнинг ҳозирги ривожланиш даражасида жиддий касалликларнинг дастлабки ташхисида хато билан боғлиқ тиббий хатолик эҳтимоли 40 фоизгача етиши мумкин деб ишонилади[10].

Мутахассисларнинг фикрига кўра, статистик тадқиқотлар асосида нотўғри ташхис қўйилиши мумкин бўлган энг кенг тарқалган касалликлар:

- ➔ *юқори холестерин (80 фоизгача);*
- ➔ *простата саратони (50 фоиздан юқори);*
- ➔ *кўкрак бези саратони (тахминан 30 фоиз);*
- ➔ *ўпка саратони (тахминан 25 фоиз)ни ташкил қилади[11].*

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят қонунчилигида эвтаназиянинг тиббий биологик мезонлари билан боғлиқ муносабатлардаги юзага келаётган муаммолар юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтишимиз лозим:

биринчидан, оғир ва даволаниб бўлмайдиган даражада касалликка чалинган беморларга нисбатан паллиатив ёрдам беришни амалга ошириш (Паллиатив ёрдам — бу ҳаёт сифатини оптималлаштириш ва оғир, мураккаб касалликка чалинган одамлар орасида азоб-уқубатларни енгиллаштиришга қаратилган тиббий ёрдам ҳисобланади);

иккинчидан, паллиатив ёрдамни амалга ошириш учун махсус тиббий ва психолог ходимлардан иборат мутахассислар гуруҳини ташкил этиш (бу орқали биз ўта хавфли даражада касалликка чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришишимиз мумкин);

учинчидан, 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги 265-І-сонли қонунига тиббиёт ходимларига эвтаназиянинг ҳар

қандай шаклини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларни тақиқлаш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим (ушбу ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га беморнинг илтимосига кўра унинг ўлимини ҳар қандай ҳаракатлар ёки воситалар билан тезлаштириш, жумладан беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш бўйича сунъий чораларни бекор қилишни келтиришимиз мумкин);

тўртинчидан, тиббиёт мутахассисларининг касбий тайёргарлиги даражасини оширишга, тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ва дори воситалари билан таъминлашга устувор аҳамият берилиши зарур.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ушбу чора-тадбирлар беморларни эвтаназия қилиш зарур бўлган ҳолатлар сонини камайтиришга, оғриқли шок ва кўркув ҳисси туфайли келиб чиқадиган доимий руҳий сиқилиш ҳолатида бўлган беморларни етарли даражада баҳолашга, шошилиш ва ўйламасдан қарор қабул қилиш ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Туршук Л.Д. Медицина и убийство-понятия несовместимые Миссионерское обозрение. 2003. No 10., Зайцева А.М. Ограничение естественного права на жизнь в позитивном праве // Конституционное и муниципальное право. 2015. No 9. С. 33 – 44., Чернышева Ю.А. Эвтаназия как форма реализации права на смерть // Медицинское право. -2017. No 3.С. 21 – 24., Стефанчук Р. А. Возвращаясь к вопросу о легализации эвтаназии в странах СНГ: Pro et contra // Государство и право.2008.No 5. С. 75.
2. Крылова Н.Е. Эвтаназия: уголовно-правовой аспект // Вестник Московского университета. Сер. Право. 2002.No 2. С. 20., Дмитриев Ю.А., Шленева Е.В. Право человека в Российской Федерации на осуществление эвтаназии // Государство и право. 2000. No 11. С. 57., Ковалев М.И. Право на жизнь и право на смерть // Государство и право. 1992. No 7. С. 71.; Коробеев А. Простое убийство и сложности его квалификации // Уголовное право. 2001. No 2. С. 18., Карташова Л.Э. Биоэтика как сфера взаимодействия права и морали. На примере проблемы эвтаназии // Закон и право. 2016. No 5. С. 35 – 37.
3. Medical, legal and bioethics assessment of euthanasia and assisted suicide.: <https://www.researchgate.net/publication/326032967>.
4. Избранные книги: Гиппократ / пер. с греч. В.И. Руднева. М.: Сварог, 1994. С. 146.
5. Врачебные ассоциации, медицинская этика и общемедицинские проблемы: Сборник официальных документов. М., 1995. С. 7; Акулина Т.И. Роль и значение профессиональных медицинских ассоциаций: сравнительно-правовой анализ законодательства США и Российской Федерации // Сравнительно-правовой подход при анализе источников права. СПб.: Издво Политехнического университета, 2010. С. 198.
6. Биомедицинское право в России и за рубежом: монография/ Г. Б. Романовский, Н. Н. Тарусина, А. А. Мохов и др. Науч. изд. М.: Проспект, 2015.С. 214.
7. Зильбер А.П. Трактат об эитаназии. Петрозаводск: Издво Петрозаводского гос. унта, 1998. С. 299-300; Капинус О.С. Эвтаназия как социально-правовое явление. М.:Буквед, 2006. С. 12.
8. Антоненко.М.М.: Эвтаназия как разновидность убийства В Уголовном праве России \\\ Калининград 2018. С. 45.
9. Кони А.Ф. К материалам о врачебной этике // Врачебное дело. Харьков, 1928. No 6. С. 8.
10. Щарабчиев Ю.Т. Врачебные ошибки и дефекты оказания медицинской помощи: социально-экономические аспекты и потери общественного здоровья. Режим доступа: <http://www.mednovosti.by/journal.aspx?article=301>(дата обращения: 3.10.2015 г.).
11. Ошибочные диагнозы врачей не редкость. Режим доступа: <http://www.vashabolit.ru/9883-oshibochnye-diagnozyvracheyneredkost.html> (дата обращения: 3.10.2015 г.).

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚАРОРИ СУД ТОМОНИДАН ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛДИ



Гулмира БОЙНАЗАРОВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Фуқаро Ҳ.П. нафақа ёшига тўлганлиги муносабати билан ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида Пенсия жамғармаси “Х” туман бўлимига мурожаат қилади. Бироқ, ойлик иш ҳақи ва суғурта бадаллари тўғрисида маълумот тақдим қила олмаганлиги сабабли пенсия тайинлаш бўйича комиссия қарорига асосан унинг 1998 йил 15 июлдан 2003 йил 1 майга қадар “Олмоз” (номи ўзгартирилган) хусусий корхонасида ишлаган даври умумий иш амалиётига қўшилмасдан қолади.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги 44-сонли “Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 5 ва 6-бандлари талабига кўра, фаолиятнинг суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг фаолият давларини меҳнат амалиёти даврига қўшишни рад этиш ҳақидаги қарорлари устидан маъмурий судга шикоят берилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарорининг 1-илоvasи бўлган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 35-бандида ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, нафақа олиш ҳуқуқини берадиган иш амалиёти даврига қўшиб ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, мазкур Низомнинг 55- ва 66-бандида иш амалиёти иш жойи, архив муассасалари ёки бошқа ташкилотлардан бериладиган ҳужжатлар бўйича, бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, меҳнат фаолияти давлари суднинг қарори билан белгиланиши кўрсатилган.

Аризачининг ишлаган даври учун иш ҳақи ва суғурта бадалларига оид маълумотлар сақланмаган. Бироқ, бу ҳужжатларнинг сақланмаганлиги ходимнинг иш амалиёти даврини нафақа тайинлашда инobatга олинмаслиги учун асос бўлиши мумкин эмас. Чунки, амалдаги Меҳнат кодексининг 81-моддаси ва “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасига кўра меҳнат дафтарчаси ходимнинг иш амалиётини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Аризачининг юқорида кўрсатилган давларга оид иш фаолияти меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан ўз тасдиғини топади. Бу ёзувлар тегишли тартибда рақамлар билан қайд қили-

ниб, иш берувчи бўлган ташкилот муҳри билан тасдиқланган. Шу сабабли бу маълумотларнинг ҳақиқийлиги судда шубҳа уйғотмайди.

Бундан ташқари, талаб қилинаётган ҳужжатларнинг юритилиши ва сақланиши бевосита иш берувчининг вазифасига кирганлиги сабабли уларнинг бугунги кунга қадар сақланмаганлиги учун ходим жавоб бермаслиги лозим.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги 44-сонли “Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 30-банди талабига кўра, агар даъвогар қонунда белгиланган тартибда Пенсия жамғармасига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилган бўлиб, унга асосиз рад жавоби берилган бўлса, суд бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига даъвогар Пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилган кундан бошлаб нафақа тайинлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Шунга кўра ва қайд қилинган қонун талабларидан келиб чиқиб, суд аризани қаноатлантирган ҳолда пенсия бўлимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, жавобгар зиммасига нафақа тайинлашда инobatга олинмаган аризачининг иш амалиёти даврини ҳисоблаб, умумий иш амалиётига қўшиш ва нафақани Пенсия жамғармасига мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинлаш мажбуриятини юклашни лозим топди.





Сайдулло АЗИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси бошқарма прокурори

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада Жиноят-процессуал кодексига киритилган айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув ҳамда уни қўллашда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар таҳлил қилиниб, ушбу муаммоларнинг ечими юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: айбга иқрорлик тўғрисида келишув, соддалаштирилган тартиб, илтимоснома, прокурор, айбланувчи, суд муҳокамаси.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье проводится анализ введенного в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан соглашения о признании вины и проблемы, которые могут возникнуть при его применении, и выдвинуты предложения по решению этих проблем.

Ключевые слова: соглашение о признании вины, упрощенный порядок, ходатайство, прокурор, обвиняемый, судебное заседание.

ANNOTATION:

This article provides a short analysis of Plea Agreement, which was introduced into the Criminal Procedure Code of Republic of Uzbekistan, as well as analysis of problems that may occur when applying the said institute, suggestions of solutions of such problems are also put forward in the article.

Keywords: plea agreement, simplified procedure, petition, prosecutor, accused, court hearing.

Илм, фан ва техника жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг турлари ва доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида жиноий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам мураккаблашиб боришига олиб келиб, натижада жиноятларни фош қилиш, уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш тартибларини ҳам ислоҳ қилиш заруратини юзага келтирмоқда.

Россиялик олимлар А.Г.Волеводз ва П.А.Литвишкола суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш мақсадида суд муҳокамасини соддалаштириш, жадаллаштириш ва харажатларни камайтириш, муайян расмий тартибларни амалга оширмаслик ёки қисқартиришни, бунда жиноят ишини юритишнинг асосий талабларидан чекинлиб, фақатгина зарур тергов ҳаракатларини ўтказишни назарда тутуди, деган фикрни илгари суради.

Россиялик олима Т.В.Трубникова ҳам жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда юритишни жорий этишда 2 та мақсад, жиноят содир этилганидан бошлаб жазо тайинлангунга қадар бўлган вақтни қисқартириш ҳамда зарурати бўлмаган процессуал расмийчиликдан воз кечиш кўзлаштини таъкидлаган.

Шу сабабли, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда жиноят ишларини юритишнинг анъанавий шаклларида воз кечилиб, иш юритишни соддалаштиришга эътибор қаратилди.

2021 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан Жиноят-процессуал кодексига айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув 62¹-боб сифатида киритилди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича иш судга юборилгунга қадар гумон қилинувчи, айбланувчи билан прокурор ўртасида тузилади. Бунда, гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатлари моҳиятини ёки илтимосномасининг оқибатини англаб етган, илтимосномани ихтиёрий равишда ва ҳимоячи билан маслаҳатлашганидан сўнг берган бўлиши, эълон қилинган гумон ёки айблов билан келишиши,

тақдим этилган далилларни инкор қилмаслиги, жиноят оқибаотида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини тан олган ҳолда уларни бартараф этган бўлиши лозим (ЖПК 586¹-моддаси).

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакил (агар ишда қатнашаётган бўлса) томонидан имзоланади ва ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи орқали прокурорга берилади (ЖПК 586²-моддаси).

Прокурор илтимосноманинг келишув тузиш шартларига риоя қилинганлигини текширади, бунда прокурор зарур деб топган ҳолларда жабрланувчи, фуқаровий даъвогарни ҳам келишув тузиш масаласини кўриб чиқиш учун жалб қилиши мумкин. Шу билан бирга, прокурор гумон қилинувчи, айбланувчига келишувнинг оқибатларини, хусусан келишувга асосан ҳукм чиқарилганидан сўнг, келишув шартларига риоя қилинмаганлиги аниқланган тақдирда келишув бекор қилиниши ва суд ҳукми қайта кўриб чиқиши мумкинлигини тушунтиради (ЖПК 586³-моддаси).

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида бир неча шахс жалб этилган бўлса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида тузилади, акс ҳолда келишув тузилмаган гумон қилинувчи, айбланувчига тааллуқли материаллар жиноят ишидан ажратиб олиниб, умумий қоидалар асосида алоҳида тергов қилинади (ЖПК 586⁵ ва 586⁶-моддалари).

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув имзоланган ҳолларда, айблов хулосаси (далолатномаси) тузилади ва прокурор томонидан тасдиқланиб, жиноят иши билан бирга судга юборилади (ЖПК 586⁶-моддаси).

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилган жиноят ишлари судга келиб тушган вақтдан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Суд мажлисида прокурор, судланувчи ва ҳимоячи иштирок этиши шарт. Жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ҳам суд мажлисида қатнашиши мумкин бўлиб, бу ҳақда улар хабардор қилинади, бироқ, уларнинг суд мажлисига келмаганлиги ишни кўришга монелик қилмайди.

Суд келишув тузилган жиноят ишларини кўриб чиқар экан, келишув тузишда гумон қилинувчи, айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тўлиқ таъминланганлигини, келишув тузиш учун белгиланган талаблар бажарилган-бажарилмаганлигини, келишув ихтиёрий тузилганлигини, гумон қилинувчи, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, судланувчининг айна вақтда келишувни қувватлашини, жиноят оқибаотида етказилган зарарларни



бартараф этиш чораси кўрилганлигини аниқлайди, судланувчи ва унинг ҳимоячисининг, прокурорнинг, шунингдек, зарур ҳолларда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг фикрини эшитиши (ЖПК 586⁷-моддаси).

Суд айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги қарорни кўриб чиқар экан, келишувни тасдиқлаган тақдирда айблов ҳукмини чиқариши ёки ўз ажрими билан келишувни тасдиқлашни рад этиши ва ишни прокурорга юбориши мумкин бўлиб, суд қарорларига нисбатан белгиланган тартибда (хусусий) шикоят ёки протест берилиши мумкин (ЖПК 586⁸-моддаси).

Мазкур институт миллий қонунчилигимизга киритилиши фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини қисқа вақт ичида, камроқ иш кучи ва харажат сарф қилган ҳолда тиклаш имконини берди.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилганда айбдор шахсга Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган муддат ёки миқдорда жазо тайинланади.

Мазкур тартибда иш юритиш бизнинг қонунчилигимизга жорий қилинганига кўп бўлган бўлмаса-да, бироқ, АҚШ, Европа давлатларида, шунингдек Россия Федерацияси, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари амалиётида бир неча йилдан бери қўлланиб келинмоқда. Ушбу давлатларнинг бу соҳадаги қонунчилиги таҳлили миллий қонунчилигимизда мазкур институтни қўллаш борасида муайян чекловлар мавжудлигини, бу эса ушбу институтдан тўлақонли фойдаланишда тўсиқлар юзага келишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, қонунчилигимизда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақида илтимоснома фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича берилиши мумкинлиги белгиланган.

Бу борада хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратсак, Молдова ва Латвия Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги-

да келишув тузишда бундай чекловлар мавжуд эмаслигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57¹-моддасида ҳам айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган ҳолларда шахсга нисбатан айбдор деб топилган модда санкциясидаги энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаган миқдорда ёки муддатда жазо тайинланиши белгиланган бўлиб, ушбу норма фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга татбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигида ўта оғир жиноятга оид иш умумий тартибда тергов қилиниб, судда кўриб чиқилгач, суд томонидан айбдор шахсга энгилроқ жазо тайинланиши чекловчи нормалар мавжуд бўлмай, ушбу масала суднинг ваколатига берилган.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 6-моддасида ҳам ҳар бир шахснинг унга оид жиноят иши суд томонидан оқилона муддатларда кўриб чиқиши, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида шахснинг ўзига билдирилган айблов бўйича тўлиқ тенглик асосида қисқа муддатда судланиш ҳуқуқи қафолатланган.

Юқоридагилардан кўринадики, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни барча жиноятлар бўйича қўлланилмаслиги жиноят-процессининг тенглик принципига зид бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайди. Бундан ташқари, айнан кўп вақт, куч ва харажат талаб қиладиган ўта оғир жиноятлар бўйича ушбу институтни қўлланмаслик, унинг асл мақсади ва моҳиятига номувофиқдир.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 586¹-моддасига кўра, айбга иқрорлик тўғрисида-

ги келишув тузиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқига гумон қилинувчи ва айбланувчи эга бўлиб, бунинг учун улар жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши талаб этилади.

Россия Федерацияси (ЖПК 314-м.), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 613, 615-моддалари), Қирғизистон Республикаси (ЖПК 487-моддаси), Арманистон Республикаси (ЖПК 317¹-моддаси), Молдова Республикаси (ЖПК 504-моддаси) жиноят процессуал қонунчилигида келишув тузилишида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини назарда тутувчи нормалар кузатилмайди.

Шунингдек, Россия Федерацияси (ЖПК 314-м.), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 613, 615-моддалари), Беларусь Республикасида келишув тузиш ёки суд терговини қисқартирилган тартибда олиб бориш учун жабрланувчининг розилиги талаб этилади.

Мазкур масалада тадқиқот олиб борган олимлардан А.В.Курдова келишув тузишда жабрланувчининг иштирок этиши зарурлигини ёқлаб, ишни якунидан манфаатдор бўлган процесс иштирокчиси сифатида жабрланувчининг ҳуқуқлари чекланмаслиги, улар ҳам келишувни тузишда иштирок этувчи субъектлар доирасига кириши кераклигини баён қилган.

Таъкидлаш жоизки, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланиши ёки жабрланувчининг розилиги бирор-бир процессуал ҳаракатни амалга оширишни истисно этмай, фақатгина ҳукм чиқариш вақтида суд томонидан жазони энгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Шу билан бирга, ЖКнинг 66¹-моддасида жиноят оқибатида етказилган зарарнинг бартараф этилганлиги, жабрланувчининг розилиги мавжуд бўлганда шахс жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган моддалар мавжуд бўлиб, айнан шундай талабларни айблов ҳукми чиқарилиши билан яқунланадиган келишув институтига татбиқ қилиниши, ҳуқуқий жиҳатдан моддалар рақобатини юзага келтириш билан бирга уни самарали қўллаш имконини бермайди.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда айбланувчи билан келишув тузиш орқали жиноят ишини юритишни соддалаштириш, бу билан ишчи кучи ва сарф-харажатларни тежаб, уларни очилмаган ёки оғирроқ жиноятларга қаратиш назарда тутилади. Суд-тергов амалиётида кўп ҳолларда жиноят оқибатида етказилган зарар миқдори бўйича жабрланувчи билан айбланувчининг фикри ҳар доим ҳам мувофиқ келмайди. Бундай ҳолда, келишув шартларида жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш талабининг белгиланиши, келишувдан кўзланган мақсадга эришиш йўлида катта ғов бўлиши мумкин.

Шунингдек, амалдаги жиноят ёки жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қилинувчи,

***“Қуёш балқиган ҳар
бир кунда икки киши
ўртасини адолат
билан ислоҳ этишинг
– эҳсондир”.***

Ҳадис

айбланувчи жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этмаганлиги ёки жабрланувчининг даъвоси мавжудлиги судлар томонидан айбдор шахсга нисбатан жазони энгиллаштирувчи нормани қўллашни чекламайди.

Бундан кўринадики, қонунчиликда тергов органи билан келишувга бормаган шахсга нисбатан энгилроқ жазо тайинлаш имкони мавжуд бўлиб, аксинча келишувга бориб, айбига иқрорлик билдирган, терговга ёрдам берган шахсга нисбатан энгилроқ жазо тайинлаш чекланмоқда.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида бериши мумкин (ЖПК 586²-моддаси) бўлиб, бундай илтимосномани жиноят иши судга келиб тушгандан сўнг бериш имкони қонунчиликда назарда тутилмаган.

Маълумки, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси жиноят иши материаллари билан тергов якунланганидан сўнг таништирилади, шу сабабли айбланувчи ва унинг ҳимоячиси шундан сўнг унинг айби қанчалик исботланганини билади. Суд-тергов амалиётида айбланувчининг манфаатларини терговда бир ҳимоячи, судда бошқа ҳимоячи амалга ошириш ҳолатлари кўп учрайди ва шахснинг айби бўйича ҳимоячиларнинг фикрлари турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли, судда ҳимояни амалга ошираётган ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқиб, айбланувчини айби исботланган деб ҳисоблаши ва унга келишув тузиш имконидан фойдаланиб, аҳволини энгиллаштиришни таклиф қилиши мумкин.

Айбланувчининг жиноят иши судга келиб тушганидан сўнг келишув ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқининг чекланганлиги ҳеч қайси тараф учун манфаат келтирмайди. Аксинча, тарафларнинг келишувга судда келиши айблов тарафни шахс айбини исботлаш, судни эса суд тергови ўтказиб, далилларни текшириш каби процессуал мажбуриятлардан озод қилса, жабрланувчини судга ортиқча келиб-кетиши каби сарсонгарчиликдан озод қилиб, жиноят оқибатида етказилган зарарни тезроқ бартараф этилишини таъминлаш имконини беради.

Миллий қонунчилигимиздаги жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритишнинг яна бир шакли – ярашув институтига оид нормаларга эътибор қаратсак, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги белгиланганлигини кўриш мумкин (ЖПК 583-моддаси).

Бу борадаги хорижий мамлакатлар қонунчилигига эътибор қаратсак, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақида илтимос-



нома гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан Қирғизистонда айб эълон қилинган вақтдан бошлаб суд муҳокамаси якунлангунга қадар (ЖПК 487-м.), Қозоғистонда иш юритишнинг исталган босқичида, бироқ суд маслаҳатхонага киргунга қадар (ЖПК 613, 615-м.), Арманистонда жиноят иши судга юборилган вақтдан бошлаб суд муҳокамаси бошлангунга қадар (ЖПК 317¹-м.), Молдовада эса илтимоснома айб эълон қилинган вақтдан бошлаб, суд муҳокамаси бошлангунга қадар (ЖПК 504-моддаси) берилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, миллий қонунчилигимизга жорий қилинган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув процесс иштирокчиларини ҳуқуқ ва эркинликларини чекламасдан, давлатнинг ва фуқароларнинг вақти, кучи ҳамда харажатларини тежаган ҳолда одил судловни таъминлаш имконини беради.

Шундай бўлса-да, мазкур институтнинг мақсад ва моҳиятидан келиб чиқиб:

- айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини ўта оғир жиноят содир этган гумон қилинувчи, айбланувчиларга ҳам бериш;

- ушбу институтни қўллашда жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш шартини бекор қилиш, шунингдек, содир этилган жиноятдан келиб чиқиб, келишув тузилишида жабрланувчининг иштирокини кўриб чиқиш;

- айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида ҳамда жиноят иши судга келиб тушганидан сўнг суд тергови бошлангунга қадар тузиш имконини берувчи нормаларни қонунчиликда киритиш орқали ушбу институтни янада такомиллаштириш таклиф этилади.



**Жадра
БАЛТАБАЕВА,**
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

АЛИМЕНТ ТЎЛАШ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига алиментларни ундиришнинг уч хил тартиби мавжуд бўлиб, булар алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш, алиментни ихтиёрий тўлаш, алиментларни суд тартибидан ундиришдир.

Вояга етмаган болаларга нисбатан алимент ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд:

- ҳар бир вояга етмаган бола учун алоҳида тўланади;
- қатъий тартибда амалга оширилади;
- ҳар ойда тўланади;
- ҳар бир ота-онанинг мустақил равишда моддий таъминланганлигини кўрсатади;
- туғилгандан бошлаб вояга етгунга қадар тўланади;
- ҳар бир вояга етмаган боланинг таъминоти учун қаерда бўлишидан қатъи назар тўланади;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки чекланган ота-она учун ҳам сақланиб қолади;
- оилавий ҳуқуқий мажбуриятлар ичида алимент тўлашни бажармаганлик жиноий жавобгарликка олиб келади.¹

Бола ҳуқуқлари ва алимент ундириш билан боғлиқ фуқаролик ишлар бўйича суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролик ишлари бўйича судларда фуқароларнинг овозгарчиликларининг кўпайиши, судьяларнинг битта алимент ундириш ҳақидаги ариза бўйича уч маротаба суд ҳужжати қабул қилиши (суд буйруғи, уни бекор қилиш ҳақидаги ажрим ва ҳал қилув қарори) кўрилатган фуқаролик ишлари сонининг асоссиз кўпайишига ҳамда алимент ундириш ҳақидаги суд ҳужжати чиқаришда суд харажатларини ундириш амалиётининг бир хил эмаслиги ҳолатлари мавжуд эканлиги аниқланди.

Амалдаги қонунчиликка биноан вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, шунингдек, ота-онани моддий таъминлашдан (алимент тўлашдан) бўйин товлаганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилган. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан жарима назарда тутилган.

Аммо амалиёт бундай маъмурий жазо чоралари етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатмоқда. Чунки, биринчидан, кўп ҳолатларда ҳуқуқбузарларнинг тайинланган жаримани тўлашга имконияти бўлмайди. Иккинчидан эса, маъмурий қамоққа олиш чораси алимент қарздорлигини бартараф этишга ёрдам бермайди. Маъмурий қамоқни ўташ тўғрисидаги қонунчиликка кўра, бундай шахс-

лар пул тўланадиган ишларга фақатгина ўзининг ёзма розилиги асосидагина жалб қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасида мажбурий жамоат ишлари жиноий жазо тури сифатида қўлланилади. Бунда маҳкум ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса мажбурий жамоат ишлари каби жазо чораси белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикасида ота-она вояга етмаган болаларга алимент тўлаш учун етарли маблағга эга бўлмаган тақдирда давлат томонидан махсус ижтимоий фонд ташкил қилиниши ва ушбу махсус фонд маблағларидан ундирилиши, давлат қарздорни ишга жойлашишига кўмаклашиши, кейинчалик эса қарздордан давлат ижтимоий ҳимоя фондига регресс тартибда ундириш белгиланиши ушбу муаммага ижобий ечим бўлиши мумкин деб ҳисоблайман.

Шунингдек, ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 26,5 %дан кам бўлмаслиги кераклиги кўрсатилган. Аммо ҳар бир бола улғайган сари унинг моддий эҳтиёжларга зарурати кўпайиб бориши ҳаммамизга маълум.

Шунга кўра, боланинг ёшига доир, ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг, яъни бола туғилгандан бошлаб 1 ёшдан 5 ёшгача 26,5 %, 5 ёшдан 12 ёшгача 33,5% ва 12 ёшдан 18 ёшгача 40 %дан кам бўлмаслигини қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мажбурий ижро бюроси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширган ҳолда алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни бартараф этишда қарздорларни меҳнатга жалб этиш ва ишга жойлаштиришни белгилаш лозим.

Алимент қарздорлигини электрон назоратини кучайтириб, алимент тўловларини ҳисоблаш платформасини яратиш эртага иш ҳақи ва бошқа даромадларини яширган қарздорларни даромад манбаларини топишни соддалаштирилган шаклини юзга келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Королёв Ю. А. Комментарий к Семейному кодексу РФ. М., 2008. -С.37.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ



Музаффар БЕКМУРАДОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг барқарорлиги давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширувчи барча даражадаги орган ва муассасалар эҳтиёжларини қондира оладиган даражада таъминланганлиги билан бевосита боғлиқ.



Отабек ИСМОИЛОВ,
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам соҳадаги бўшлиқлар сабабли давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашаётганлиги таъкидланган эди.

Қайд этилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, соҳани тартибга солиш тизимини такомиллаштириш зарурати боис, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Биринчидан, давлат харидларини амалга оширишнинг алоҳида тартиби белгиланган стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарни корпоратив буюртмачилар сифатида давлат харидларида иштироки таъминланади, натижада 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очик-ошкора талаблар жорий этилиб, маҳаллий тадбиркорлар томонидан ҳар йили камида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчидан, давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали операторлари сони кўпайтирилиб, бу тизим орқали давлат харидлари иштирокчилари учун сифатли хизмат кўрсатилишига эришилади.

Учинчидан, давлат харидларини қисқа муддатларда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида муддатлар қисқартирилди. Электрон бозор - бир иш куни, (амалдаги таҳрирда қирқ саккиз соат), аукцион - камида беш иш куни (амалдаги таҳрирда камида ўн кун), танлаш - камида беш иш куни (амалдаги таҳрирда танлов камида ўн кун) ва тендер - камида ўн беш иш куни (амалдаги таҳрирда тендер камида ўттиз кун) этиб белгиланди. Мазкур механизм давлат буюртмачиларининг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишда вақтини тежашга, инвестиция дастурлари доирасидаги лойиҳаларнинг муддатида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, электрон давлат харидлари тизими такомиллаштирилиб, янги тартиб ва миқдор таклиф этилмоқда. Хусусан, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг бараваригача (бюджет буюртмачилар учун олти минг бараваригача) этиб, эски таҳрирда бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан (бюджет буюртмачилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан) ошмайдиган товарларга электрон давлат хариди қўлланилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу нормалар келгусида соҳадаги қуйидаги жиддий қонун бузилиши ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Хусусан, давлат харидларини электрон дўкон орқали амалга ошириш тартибига ва чекловларга риоя этилмаганлиги оқибатида 2018-2020 йиллар давомида 278 та давлат ташкилоти томонидан 100 миллиард сўмлик битимлар

электрон дўкон орқали тузилиб, чекловлардан ортиқча харидлар амалга оширилган. Шунингдек, чекланган миқдорга амал қилмасдан 176 миллиард сўмлик битимлар электрон дўконлар орқали тузилган, 321 миллиард сўмлик битимлар эса амалда электрон дўкон орқали амалга оширилиши лозим бўлмаса-да, қисмларга бўлинган ҳолда электрон дўкон орқали харид амалга оширилган.

Бешинчидан, давлат харидларини амалга ошириш механизmlарини электронлаштириш мақсадида тендер (танлаш) ўрнатилган тартибда электрон шаклда амалга оширилиши белгиланди.

Олтинчидан, давлат харидлари тартиб-таомиллари иштирокчилари ва давлат харидлари ижрочиларига ўзларининг таъсисчилари ва бенефициар мулкдорларини очиклаш мажбурияти қайд этилмоқда.

Еттинчидан, харид қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сифат жиҳатидан янада оширилишини таъминлаш мақсадида, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ягона миллий классификатори жорий этилиши назарда тутилган.

Саккизинчидан, иштирокчиларнинг яқин қариндошлари ижрозини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда иштирокчини давлат харидларида иштирок этишига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ чеклов белгиланмоқда.

Мазкур нормани қонунчиликда мавжуд эмаслиги давлат хариди соҳасининг айниқса қурилиш тармоғида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди ва қурилиш соҳасидаги объектлар Андижон, Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятларида мансабдорларнинг қариндош-уруғлари ўртасида тақсимланганлиги ҳолатларига ҳам йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Тўққизинчидан, лойиҳада “бенефициар”, “давлат харидларининг ижрозиси”, “дастлабки малака танлови”, “захира голиби”, “ихтисослашган ташкилот”, “харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилиланган шахси” каби тушунчалар моҳияти очиб берилмоқда.

Ўнинчидан, давлат харидлари доирасида тузилган барча шартномалар тўғрисида маълумотларни жамлаш ягона реестр орқали амалга оширилиши ҳақидаги тартиб ҳам белгиланмоқда. Шунингдек, тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилмаган бўлса, ушбу шартномалар бўйича тўловлар амалга оширилмайди. Бу ўз навбатида, шартномаларни очиклигини таъминлайди ва жамоатчилик мониторингини ўтказишга имкон яратади



Ғиёс ХУДАЁРОВ,
Тошкент давлат
юримдик университетини
магистрантини

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА: ҚОНУН, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Республикамиз миқёсида таҳлилий маълумотлар ўрганилганда 2018 йилда босқинчилик жинояти 505 та, талончилик 574 та, ўғрилик 5583 та, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш 2817 та, 2019 йилда босқинчилик жинояти 402 та, талончилик 411 та, ўғрилик 4247 та, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш 2457 та, 2020 йилда эса босқинчилик жинояти 329 та, талончилик 378 та, ўғрилик 4403 та, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш 1528 тани ташкил этган. Сўнги икки йилда (2019 йилда 2457 та, 2020 йилда 1528 та) ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш камайган.

2018 йилда Тошкент шаҳар, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган ҳамда Андижон вилоятлари ҳудудлар кесимида ушбу жиноятлар кўп содир этилганлиги, 2019 йилда эса ушбу ҳудудлар билан биргаликда Сурхондарё ҳамда Жиззах вилоятларида нисбатан кўп содир этилганлигини кузатишимиз мумкин. Айни дамда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ушбу жиноят турининг латентлик даражаси жуда ҳам баланд бўлиб, уларнинг муайян қисми расмий статистик маълумотларда ўз аксини топмай қолади. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш латент жиноятлар турига кирар экан, ушбу жиноят ҳақиқатан ҳам давлат ва жамият учун ўта хавфли эканлигини англаш мушкул эмас.

Ўзлаштириш ёки растратани содир қилган шахсининг ишониб топширилган мулкни талон-торож қилишга бўлган руҳий муносабати айбнинг маълум бир шаклига мос келади ва ушбу жиноят субъектив томонининг асосини ташкил қилади.

Шунга кўра ўзлаштириш ёки растратанинг субъектив томонини ўрганишда субъектнинг ишониб топширилган мулкни ўзлаштириши ёки растрата қилишини йўналтирган ва тартибга солган руҳий жараёнлар натижасида вужудга келадиган руҳий муносабати эътиборга олинади.

Шахсининг жиноят объектив томони факультатив белгилари (жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, шароитлари)ни англаши ҳам тафаккурий (интеллектуал) ҳолат таркибига киради[2]. Бироқ, айрим олимлар кўрсатилган белгиларга нисбатан айбдорнинг муносабатини тафаккурий ҳолат таркибига киритишни нотўғри, деб ҳисоблайдилар[3]. Бизнинг фикримизча, объектив томоннинг факультатив белгиларини англаш тафаккурий ҳолат таркибида бўлиши керак, чунки айбдор ЖК 167-моддаси 2-ва 3-қисмларида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳам англаб етади. Айниқса, бу ҳолат ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этишда яққол намоён бўлади, яъни шахслар гуруҳ таркибида ҳаракат қилаётганларини англаб етадилар.

Тафаккурий ва иродавий ҳолатлардан таркиб топган айбдорнинг қасди ўзганинг ишониб топширилган мулки (предмет)га қаратилган бўлади. Баъзан, айбдорнинг қасди шахсларнинг кўп ва жуда кўп миқдордаги мулкларини талон-торож қилишга қаратилади, лекин айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли қилмиш амалга ошмай қолади. Бундай вазиятларда қилмиш ҳақиқатда ўзлаштирилган ёки растрата қилинган мулкнинг миқдоридан қатъий назар юқорида кўрсатилган миқдордаги мулкка тажовуз қилишга суиқасд сифатида баҳоланади.

Айб ўзлаштириш ва растрата субъектив томонининг асосини ташкил қилса-да, унинг мазмунини тўлиқ қамраб олмайди. Талон-торожнинг сабаби қилмишнинг мотиви ва мақсадидан иборат бўлган бошқа белгилар ёрдамида аниқланади.

Мотив ва мақсад ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини баҳоланишнинг субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида ЖК 167-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса-да, талон-торожнинг умумий тушунчасидан келиб чиқиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш субъектив томондан ғараз мотив ва мақсадда содир этилади.

Ўзлаштириш ва растратанинг мотиви, шахсда ғаразли талаб ва манфаатларни қондиришга қаратилган ўзганинг мулкни талон-торож қилишга журъат туғдирувчи ва унга ундовчи ниятдир. Ўзлаштириш ва растратанинг мақсади – бу ишониб топширилган ўзганинг мулкни талон-торож қилиш орқали уни кейинчалик ўзининг ёки бошқа шахсларнинг мулкига айлантиришга қаратилган айбдорнинг онгидаги фикрий интилишидир.

Ўрганилган жиноят ишлари бўйича ҳукмларнинг таҳлиliga кўра ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг субъекти, аксар ҳолларда:

– моддий жавобгар шахс (ЖК 167-модданинг 1-қисми);

– мансабдор шахслар (ЖК 167-модданинг 2-қисми “г” банди) бўлиши аниқланди.

Жиноий жавобгарликнинг умумий қоидаларига асосан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти субъектининг умумий белгиси – мулк ишониб топширилган шахснинг талон-торож жиноятини содир этгунга қадар 16 ёшга тўлганлиги, ақли расолиги ва жисмоний шахс эканлиги. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти иштирокчилиқда содир этилганда ҳам далолатчи, ёрдамчи ва ташкилотчи сифатида 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс умумий субъект бўлишлари мумкин, лекин улардан бирортаси ҳам талон-торож қилинаётган мулкнинг эгаси бўлмаслиги керак.

А.П.Севрюковнинг фикри бўйича, ишониб топширилган мулкни талон-торож қилишнинг субъекти амалиётда тез-тез учрайдиган қилмишни мансаб мавқеидан фойдаланиб содир этган мансабдор шахслар ҳамда 16 ёшга тўлган мансабдор бўлмаган шахсларга бўлинади[8].

Дарҳақиқат, ЖК 17-моддасида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда субъект ёши 16 ёш қилиб белгиланган бўлса-да, 167-моддаси 2-қисми “г” бандида (мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир қилинган бўлса) назарда тутилган қилмиш мансабдор шахс томонидан содир этилади. ЖК 205-210-моддаларида мансабдор шахс томонидан содир этиладиган жиноятлар назарда тутилган бўлиб, улар учун жавобгарлик 18 ёшдан белгиланган. Жумладан, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда ўзлаштириш ёки растрата қилиш (ЖК 167-моддаси 2-қисми “г” банди) учун умумий таркибли жиноят ҳисобланадиган ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси) нинг субъекти ҳам 18 ёш ҳисобланади.

Лекин, ЖК 17-моддаси (Жисмоний шахслар жавобгарлиги)да мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг ҳам субъекти умумий асосларда 16 ёш қилиб белгиланган. Чунки, вояга етмаганлар ҳам ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. “Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг асосий таркиби субъекти – моддий жавобгар шахслар ҳисобланади”[9]. Меҳнат кодексининг 203-моддасига асосан шахс 18 ёшдан бошлаб тўлиқ моддий жавобгар шахс бўлса-да, бир марталик ҳужжат (ишончнома, юк хати) асосида мулк вояга етмаган шахсга ишониб топширилиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Иш берувчи билан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер ва-зифасини амалга оширувчи ходим ўртасида имзоланган тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги меҳнат шартномаси (МК 203-моддаси 2-қисми) мавжуд бўлганлиги сабабли, шубҳасиз кўрсатилган шахслар ўзлаштириш, растрата қилишнинг субъекти бўлади.

Бинобарин, мулк расмийлаштирилмасдан туриб, моддий жавобгар шахслар орқали унинг ҳисобини юритиш ва тасарруф этиш бўйича ваколатларга эга бўлган бошқа шахсларга берилганда муаммо туғилади.



Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш субъектининг махсус белгиларига қарайдиган бўлсак, кўпчилик мутахассислар мулкнинг айбдорга ишониб топширилганлиги белгисини кўрсатиш билангина чекланадилар. Ўзлаштириш, растрата қилишда махсус субъектнинг қуйидаги асосий ва қўшимча белгилари жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади:

биринчидан, юридик жиҳатдан махсус субъект тажовуз қилинаётган мулкнинг эгаси бўлмаслиги керак. У мулкдор бўлмагани ҳолда, мулкдорнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши: мулкка эғалик қилиши, фойдаланиши ва мулкдор рухсат берган доирада тасарруф қилиши, шунингдек мулкдор эғалигидан мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш сингари мулкдорнинг мулккий ҳуқуқларини жиноят-ҳуқуқий нормаларда тақиқланган усулларда бузишдан ўзини тийиши лозим. Бундай асосий белги махсус субъектнинг мулк ҳуқуқи асосида талон-торож предметида бўлган муносабатини ифодалайди, юридик жиҳатдан зарурий шарт – айбдорга ишониб топширилган мулк ўзганинг мулки бўлиши кераклигига эътибор қаратиш керак;

иккинчидан, ўзлаштириш ва растрата субъекти мулкка қонуний асосларда эғалик қиладиган ва ўзганинг мулкига нисбатан маълум бир ваколатларга эга, аммо тажовуз қилинаётган мулкнинг эгаси бўлмаган, ўзининг ваколатларидан мулкдор манфаатлари йўлида фойдаланишга мажбур шахс ҳисобланади. Мулкка нисбатан махсус ваколатлар – ўзлаштириш ва растрата субъектининг махсус белгиси эканлиги жиноят-ҳуқуқий норма мойиллигида мулк айбдорга ишониб топширилганлиги ёки ихтиёрида бўлганлиги билан белгиланган. Бундай белги айбдор ва мулкдор ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни ифодалайди. Ўзлаштириш ёки растрата қилиш айнан мазкур белгига кўра фирибгарлик ва ўғирлик каби ўхшаш жиноятлардан фарқ қилади;

учинчидан, айбдор мулкни талон-торож қилишда фойдаланадиган мансаб мавқеининг мавжудлиги ўзлаштириш ва растрата субъектининг қўшимча белгиси ҳисобланади. Мансаб мавқеи қонун чиқарувчи томонидан махсус субъектнинг қўшимча белгилари сифатида мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган алоҳида квалификация қилувчи белги сифатида инобатга олинган.

Квалификация қилувчи белги сифатида таҳлил этилаётган мазкур жиноят “Жиноят кодексининг “Махсус” қисми, VIII бўлимида махсус субъект –

мансабдор шахс томонидан содир этилишини тушуниш керак”[10]. ЖК “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” бўлимидаги “мансабдор шахс” тушунчасига мувофиқ доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазибаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазибаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазибаларни амалга оширувчи шахс мансабдор шахс дейилади.

Айнан мазкур белгилар жиноятни содир этган субъектларни бир-биридан ажратиш имконини беради. Ушбу белгиларни яхши билмаслик эса турли хатоликларга сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса сифатида, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг юридик таҳлили қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларга келиш имконини бери:

биринчидан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг субъекти махсус субъект бўлиб, у жиноий тажовуз амалга ошириладиган пайтда жиноят предметига қонуний асосларда эгалик қилади ва мулкка нисбатан алоҳида ваколатларга эга бўлади. Мулкка нисбатан махсус ваколатларга эга эканлик ўзлаштириш, растрата қилиш жинояти субъектининг махсус белгиси сифатида жиноят-ҳуқуқий норма мойиллигида мулкнинг айбдорга ишониб топширилганлиги ёки унинг ихтиёрида бўлганлиги билан белгиланади. Мазкур белги ўзлаштириш ёки растрата қилишни талон-торожнинг бошқа шакллари билан фарқловчи асосий белги ҳисобланади;

иккинчидан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг мустақил шакли бўлиб, бунда мулк жиноят субъектининг эгалигига қонуний асосларда ўтади ва айбдор талон-торож қилинаётган мулкка нисбатан махсус ваколатларга эга бўлади. Мулкка нисбатан махсус ваколатлардан фойдаланиб, мулкдорнинг ишончини суистеъмол қилиб, айбдор ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган мулкни ўзлаштириши ёки растрата қилади;

учинчидан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти субъектининг талон-торож субъектив томонини ифодаловчи ғаразли нияти айбнинг тўғри қасд шакли билан ифодаланади;

тўртинчидан, “Ишониб топширилган мулк” тушунчаси: биринчидан, мулк жиноят субъектининг эгалигига қонуний асосда ўтганлигини; иккинчидан, талон-торож қилинаётган мулкка нисбатан айбдорнинг ваколатлари хизмат мажбуриятлари, шартномавий муносабатлар ёхуд мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан махсус топшириқ асосида вужуд-

га келишини; учинчидан, мулк айбдорга унга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш юзасидан ишониб топширилган алоҳида ваколатлар фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат шартномаси асосида ёзма тарзда расмийлаштирилиши (шартнома, меҳнат шартномаси, қабул қилиш далолатномаси, буйруқ, ишончнома, юк хати ва бошқа шу кабилар) лозимлигини англатади;

бешинчидан, махсус субъектлик жиноятда иштирокчилик учун жавобгарлик ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, кўп ҳолларда махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахснинг жиноятни содир этишида бевосита тўлиқ ёки қисман қатнашиши, яъни жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолда, жиноят биргалликда бажарилишига қарамай, махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахс бажарувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилмайди ва унинг қилмиши бошқа иштирокчи (ташкilotчи, далолатчи, ёрдамчи) томонидан бажарилган, деб баҳоланиши ҳамда уни таснифлашда ЖК 28-моддаси тегишли қисми қўлланилиши керак. Махсус субъектлик жиноятни таснифлашдаги хатоликнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг 30-моддасига қуйидаги янги қисм киритилиши таклиф этилади:

“Ушбу кодекс махсус қисмининг тегишли моддаларида махсус субъект назарда тутилган жиноятни содир этишда, шундай субъект белгисига эга бўлмаган шахс иштирок этган бўлса, ушбу жиноятда ташкilotчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида жавобгарликка тортилади”;

олтинчидан, жиноят қонунидаги айбдорнинг “ихтиёридаги мулк” тушунчаси фуқаролик қонунидаги оператив бошқариш ҳуқуқи ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида айбдорнинг эгалигидаги мулкни англатар экан, айни бир маънони англатувчи тушунчалар турли сўзларда ифодаланмаслиги керак. Шу муносабат билан ЖК 167-моддаси 1-қисми диспозициясидаги “ихтиёрида бўлган” сўзларини “юритувида бўлган” сўзлари билан алмаштириш таклиф қилинади;

еттинчидан, суд-тергов амалиётининг таҳлили ҳужжатни қалбакилаштириш йўли билан содир этиладиган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни асоссиз равишда ЖК 209-, 228-моддалари билан жиноятлар жами тарихида таснифланаётганлигини кўрсатди. Бундай хатоликларнинг олдини олиш мақсадида ЖК 167-моддаси 2-қисмини “ҳужжатни қалбакилаштириш йўли билан” содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи оғирлаштирувчи банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYI, 2006. – B. 170.
2. Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж: ВГУ, 1974. – С. 23-24; Филановский И.Г. Социально-психологическое отношение субъекта к преступлению. – Л.: ЛГУ, 1970. – С. 159.
3. Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. – М.: Экзамен, 2004. – С. 107.
4. Кочои С.М. Ответственность за корыстные преступления против собственности. – М.: Юристъ, 1998. – С. 136.
5. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ILM ZIYO, 2006. – Б.269.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 65-моддасига кўра муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромади миқдоридида зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.



Улуғбек ИСАНОВ,
Судьялар олий
мактаби таянч
докторанти

Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини талаб қилиши мумкин. Шунингдек, муаллиф зарарлар етказилиши фактидан қатъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўлашиши лозим бўлган товонни тўлашини талаб қилишга ҳақли. Мазкур нормада қонун чиқарувчи муаллифга бой берилган фойдани ҳамда зарар етказганлик учун товон тўлашини талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бу билан муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини бир мунча кенгайтиришга эришилган.

Англия ҳуқуқ тизимида Антон Пиллер Ордери (Anton Piller order) мавжуд бўлиб, олдиндан огоҳлан-тирмаган ҳолда далилларни олиб кўйишга ҳуқуқ беради ва ҳуқуқлар бузилганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳолат шу жумладан муаллифлик ёки патент ҳуқуқлари бузилган ҳолларда тегишли далилларни йўқ бўлиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу тартиб 1975 йилда Anton Piller KG v Manufacturing Processes Limited ўртасидаги низо сифатида номланган бўлиб, унда тижорат сирлари ўғирланганлиги юзасидан суд жараёни бўлиб ўтган. Ушбу усулни умумий равишда қўллаш 1997 йилда умумий фуқаролик судлари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши муносабати билан маълум даражада сиқиб чиқарилган.

Антон Пиллер Ордерининг асосий устунлиги шундаки, ушбу суд буйруғи жавобгарга мурожаат қилма-

ган ҳолда суд томонидан берилиши мумкин. Умумий қоидага кўра суд буйруғи тарафлар томонидан бошланган суд жараёни давомида берилади. Бу ҳолат иккинчи тарафга олдиндан даъвогар томонидан суд орқали суд буйруғини олиш истаги борлигини маълум қилиб кўяди. Бу ҳолат даъвогарнинг зарур далилларни топишга доир барча ҳатти-ҳаракатларини, уринишларини йўққа чиқаради, чунки, жавобгарда далилларни йўқ қилиш учун вақт бемалол етарли бўлади¹.

Муаллифлик ҳуқуқи, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар бузилиши ҳақида фойдаланувчилар ёки рақобатчилар бевосита Интернет тармоғи (масалан, Интернет ҳамжамияти иштирокчилари, клублари) орқали маълумотга эга бўлишади. Бу ўринда мавжуд нотўғри, ноқонуний маълумотлар тарқатилганлиги борасида раддия бериш ҳам худди шундай шаклда амалга оширилиши лозим. Бу борада ФКнинг 100-моддасида башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айти шу оммавий-ахборот воситаларида раддия берилиши лозимлиги назарда тутилган бўлсада, ушбу норма айнан оммавий-ахборот воситаларида бўлишини назарда тутуди ва уни тўғридан-тўғри қўллаб бўлмайди. Гарчи қонун ҳужжатларига кўра электрон оммавий ахборот воситалари ҳам мавжуд бўлсада, Интернет тармоғидаги ресурслар, фойдаланувчилар ва бошқа шахслар ҳар доим ҳам ушбу мақомга эга бўлавермайди.

Шу боисдан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддасига ўнинчи хатбоши сифатида қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Агар муаллифлик ҳуқуқини бузувчи маълумотлар у тарқатилгандан сўнг Интернет тармоғида мавжуд бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс тегишли маълумотларни Интернет тармоғидан йўқ қилишни, шунингдек Интернет фойдаланувчилари эътиборига етишини таъминлайдиган даражада маълумотларнинг нотўғрилиги ҳақида раддия беришни талаб қилишга ҳақли”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Романов А.К. Правовая система Англии. –Москва: Дело, 2000. –126 б.





Шаҳноза

МУХАММАТКУЛОВА,

Судьялар олий мактаби
тингловчиси

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ФАКТЛАР ТАСНИФЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада юридик фактнинг назарий асослари, моҳияти, таснифланиши, хорижий ва маҳаллий олимларнинг бу борада олиб борган тадқиқотлари таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: юридик факт, ҳуқуқий ҳодиса, ҳуқуқий ҳаракат, юридик фактлар таснифланиши.

Юридик фактларни моҳияти, юзага келиш нуқтаи назари ва оқибати жиҳатдан қуйидаги таснифларга бўлиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, юзага келиш оқибати бўйича ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи турларга ажратилади. Моҳиятан мазкур бўлинишнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари мавжуд.

Ҳуқуқни вужудга келтирувчи фактлар — муайян ҳуқуқий муносабатни юзага келтиради. Яъни, фуқаролик-ҳуқуқий битимлар, меҳнат шартномаси, оила ҳуқуқи нормаларига биноан никоҳ қуриш, жиноят-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарадиган жиноий ҳатти-ҳаракатлар ва бошқалар ҳисобланади.

Ҳуқуқни ўзгартирувчи фактлар — бу айрим мавжуд ҳуқуқий муносабатни ўзгартиради, бироқ томонлар ўртасидаги дастлабки муносабат сақланиб қолади.

Ҳуқуқни бекор қилувчи факт ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ҳуқуқий муносабати тўхтатилишини назарда туттади. Юридик факт субъектив ҳуқуқни амалга ошириш ёки мажбурият бажарилиши натижасида барҳам топиши мумкин, бироқ, ҳуқуқий муносабатлар қайд этилганлардан ташқари, шахснинг вафоти ёки ашёнинг нобуд бўлиши натижасида ҳам тўхтатилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, битта факт бир нечта ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, фуқаронинг ўлими мерос бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқишига, меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг тўхтатилишига ва турар-жой билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади.

В. А. Белов томонидан ҳуқуқий фактларнинг моҳиятини очиб берувчи назария ишлаб чиқилди, назария моҳиятига кўра ҳуқуқий факт асосини шахслар, фактлар ва товарлар ташкил этади

Бундан ташқари, ушбу назарияда юридик ҳолат, юридик фикция ва юридик презумпцияларни юридик фактлардан ажратиб, алоҳида белгиларни очиб берган.

Тадқиқотчи О.В.Баринов адабиётларда қайд этилган юридик фактларни ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи турларга бўлиниши шартли эканлиги, чунки муайян вазиятда битта юридик факт бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ҳам ҳуқуқни ўзгартирувчи ва ҳуқуқни бекор қилувчи факт ролини бажаришини таъкидлаган.

Таъкидланган назария ва илмий ёндашувлар моҳиятидан шу нарса кўринадики, фактларнинг ижтимоий ва расмий ҳуқуқий, иродавий ёки техник, ҳуқуқ, ҳаракат каби кўринишлари мавжуд.

Юридик фактларнинг умумий ва махсус бўлинишини ҳисобга олган ҳолда: фуқаролик ҳуқуқининг умумий қисмини, юридик фактларнинг институционал турларини аниқлашнинг умумий қоидаларини ўрганиш муҳимдир. Шу муносабат билан битимлар таснифига кўра аниқланган фактлар умумий фуқаролик аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Мажбуриятларнинг юзага келиши ва бажарилиши жиҳатидан ҳам фактлар шартномавий ва шартномавий бўлмаган кўринишда намоён бўлади. Юридик фактларни маъмурий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий фактларга ҳам таснифлаш мумкин. Маъмурий қарорларга ҳокимият ва бошқарув органларининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлар, юридик шахсларни рўйхатга олиш, нотариал ҳаракатлар, суд ижрочиларининг ҳаракатлари ва бошқалар киради.

Классик фуқаролик ҳуқуқида юридик фактлар-битимлар, ақлий фаолият соҳасидаги ҳаракатлар, ҳис-туйғулар, хусусий юридик шахслар, унитар давлат корхоналари, масалан, ер тузиш ва кўчмас мулк ва давлат кадастри корхонаси, хусусий нотариуслар томонидан берилган титул ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар, уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфатларига таъсир этувчи нусхалари киради.

Демак, юридик фактлар ва уларнинг таснифини ҳисобга олиб, уларни ўрганишни давом эттириш, уларнинг янги турлари, модификациялари (масалан, юридик фактлар гуруҳлари, ҳаққоний тизимлар ва бошқалар) кўринишини асослаб бериш ва қўллашга хизмат қилади.

Бу ўз навбатида фуқаро ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлашга ва ҳуқуқий муносабат иштирокчилари тенглигига ва ҳуқуқ субъектларининг ушбу муносабатдаги фаолиятини ўзаро мутаносиб амалга оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шершеневич Г.Ф. Курс гражданского права. Тула: Автограф, 2001.
2. Синайский В.И. Русское гражданское право. М.: Статут, 2002;
3. Баринов О.В. Классификация юридических фактов и их значение в трудовом праве. Вестник ЛГУ (Серия "Экономика, философия, право") 1978 323 Вып 4.

ШАХСНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Жинойят процессида шахсни реабилитация этиш деганда жинойят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахснинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр қимматининг тикланиши тушунилади.

Шахс тўла реабилитация этилган ҳолларда, унда мулкӣ, маънавий зиённи тўлиқ қоплашни ва бошқа ҳуқуқларини тўлиқ тиклашни талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Қисман реабилитация этиш эса айбланувчига ёки маҳкумга етказилган мулкӣ зиённинг асоссиз қисми қопланишига ва маънавий зиён оқибатларининг асоссиз қисми бартараф қилинишига сабаб бўлади.

Реабилитация этилган шахсга қуйидаги мулкӣ зиёнлар қопланиши лозим бўлади:

★ реабилитация этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар;

★ пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса;

★ пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қовозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;

★ суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;

★ суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари;

★ юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа харажатлар.

Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда юқорида кўрсатиб ўтилган мулкӣ зиёнларни (пенсия ва нафақалардан ташқари) ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, пенсия ва нафақаларни ундириш ҳуқуқига эса боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлган шахслар жумласига кирувчи оила аъзолари эга бўладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулкӣ зиёнлар (пенсия ва нафақалардан ташқари) молия органлари томонидан, пенсия ва нафақалар эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлим-

лари томонидан давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, қонунга хилоф равишда ҳукм қилинган, қонунга хилоф равишда тиббий муассасага жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қонунга хилоф равишда қамоққа олингани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, қонунга хилоф равишда ушлаб турилгани туфайли ишдан (лавозимидан) озод қилинган ёки ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга хилоф равишда четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига (лавозимига) тикланиши лозим. Корхона, муассаса, ташкилот тугатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар уни олдинги ишлаб турган ишига (лавозимига) тиклаш имкониятини бермаган тақдирда, унга аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши лозим.

Шу билан бирга, реабилитация этилган шахснинг қонунга хилоф равишда эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган ёки уй қамоғида бўлган вақти, жазо ўтаган вақти, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли ишламай юрган вақти, тиббий муассасада сақланган вақти умумий меҳнат стажига ва ихтисослик бўйича иш стажига кўшилади.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлангани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, ушлаб турилгани ёки тиббий муассасага жойлаштирилгани туфайли ўқув юртидан ҳайдалган шахс илтимосига кўра ўқишга тикланиши шарт.

Қонунга хилоф равишда ҳукм этилгани ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилгани туфайли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахсга илгари у эгаллаб турган уй-жой қайтарилади, башарти уни қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, ўша аҳоли пунктнинг ўзида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй-жой берилади.

Қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганлиги ёки ишда айбланувчи, судланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганлиги муносабати билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилган шахсга янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) бериш йўли билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тикланади.

Жамшид ХУРСАНДОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН МУЛҚДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ТАСАРРУФ ЭТИШ: ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сон қарорининг 7-бандига кўра мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг гайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.

Талон-торожнинг турли шакллари оид Олий суд Пленуми қарорларида айбланувчи томонидан мулкни эгаллаш ва талон-торож қилинган мулкдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ёки тасарруф этиш имконияти пайдо бўлган вақтни талон-торожни тугалланиш вақти деб баҳолаш лозимлиги қайд этилган.

Талон-торожнинг тугалланиш вақти талон-торож қилиш тушунчасига берилган таърифлар ва Пленум қарорларининг тушунтиришларига кўра, қуйидаги вазиятларни ўз ичига олган ҳолда мураккаб ҳодисага айланади: 1) мулкни эгаллаш; 2) айбланувчида талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш ёки тасарруф этиш имконияти пайдо бўлиши; 3) мулкдорга ёки мулкнинг бошқа эгасига мулккий зарар етказиш.

Шубҳасиз, жиноятларни квалификация қилиш ва талон-торожнинг тугалланиш вақтини аниқлашнинг энг оддий усули бу юқорида келтирилган ҳолатларнинг бир жиноятда мужассам бўлиши (масалан, айбланувчи ҳодиса жойидан яширинади ва талон-торож қилинган мулкни тасарруф этади). Бироқ, мулкни эгаллаш, айбланувчи томонидан талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлиш ва мулкдорга мулккий зарар етказиш биринчидан, бир вақтда содир этилмаслиги, яъни босқичма-босқич мавжуд бўлиши иккинчидан, жиноят содир этиш вақтида мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин.

Борди-ю, айбланувчи ўзганинг мулкни очиқдан-очиқ эгаллаган, аммо талон-торож қилинган мулкдан фойдаланишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлмаган бўлса, талончиликни тугалланган деб баҳолаб бўлмайди.

Масалан, фуқаро Р.Т.В 2015 йил соат 08:30ларда ўзганинг мулкни очиқдан-очиқ талон-торож қилиш мақсадида, Тошкент шаҳар Учтепа тумани Чилонзор даҳасида жойлашган 34-уй ёнида маст ҳолатда бўлгани ҳолда фуқаро К.А.нинг баҳоси 40.000 сўм бўлган сумкаси ва унинг ичида бўлган 1.300.000 сўм бўлган пулларни ошкора олиб қочган, аммо у ўзининг жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмасдан, ИИО ходимлари томонидан қўлга олинган. Ушбу ҳолат дастлабки тергов органи томонидан тугалланган жиноят деб баҳоланган, аммо жиноий ишлар бўйича Учтепа туман суди томонидан талончиликка суиқасд деб

топилиб, қилмиш ЖК 166-модда 1-қисмидан 25-м. 166-модда 1-қисмига қайта малакаланган¹.

Яна бир ҳолат, Ё.Л. ва Н.Ж.лар жабрланувчи Ш.Х.нинг уйига мол-мулкни талончилик йўли билан эгаллаш мақсадида кириб, Ш.Х. ва унинг ўғлига ҳаёти ёки соғлиги учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб, уйдан пул қидиришаётганида, Ш.Х. талончилар қўлидан чиқиб, қўни-қўшнилари ёрдамга чақирганлиги сабабли, улар жиноий ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмасдан, воқеа жойидан яширинишган. Ушбу ҳолат дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан малакаланган, бироқ суд томонидан суиқасд деб баҳоляниб, ЖК 25, 166-моддаси 3-қисмининг “б” бандига қайта малакаланган².

Таъкидлаш жоизки, мулкни эгаллаш ва айбланувчида талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг ҳақиқий имконияти орасида вақт оралиғи бўлиши мумкин (бир неча сониядан бир неча соатга қадар). Шунингдек, жабрланувчига мулккий зарар етказиш ва айбланувчи томонидан талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлиш ўртасида вақт оралиғи мавжуд бўлишини кўрсатувчи бир қатор ҳолатлар мавжуд. Масалан, мулк жабрланувчидан олиб қўйилган, унга амалда зарар етказилган аммо, айбланувчида нисбатан эгаллик вужудга келмаган.

Суд-тергов амалиётида қилмишни тўғри квалификация қилинишини таъминлаш учун қуйидаги уч мажбурий ҳолатни бир жиноятда мавжудлигини аниқлаш лозим, шундагина талон-торожни тугалланган деб баҳолаш мумкин:

☞ мулкни эгалланиши;

☞ айбланувчида талон-торож қилинган мулкдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг ҳақиқий имконияти мавжудлиги;

☞ мулкдорга ёки мулкнинг бошқа эгасига мулккий зарар етказиш.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили айбдорда талон-торож қилинган мулкдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг ҳақиқий имконияти мавжуд бўлганлигини аниқлашда қийинчилик вужудга келаётганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда судлар айбланувчининг ҳодиса жойидан талон-торож қилинган мулкни ўзи билан

олиб кетишини талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш ёки тасарруф этишнинг ҳақиқий имконияти вужудга келган деб топишади. Агар айбланувчи ҳодиса жойида қўлга тушса, ушбу ҳолатни қоидага мувофиқ талон-торож қилишга суиқасд деб баҳолаш лозим. Масалан, фуқаро А ўзганинг мулкни ошкора талон-торож қилди ва ҳодиса жойидан 15-20 метр узоқлашганда ИИО ходимлари томонидан қўлга олинди. Юқоридаги ҳолатда айбланувчи ҳодиса жойидан узоқлашган бўлса-да, мулкдан фойдаланиш ва тасарруф этишнинг ҳақиқий имкониятига эга бўлмаган.

Юқоридаги ҳолат В.Н.Литовченко тўғри таъкидлаганидек, жиноят тугалланишининг объектив томони мезонларининг йўқолиши ва айбдорнинг талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш имкониятини баҳолаш бўйича субъектив мулоҳазалар учун кенг бўшлиқ пайдо бўлади³.

Жиноят ҳуқуқи назариясида “мулкдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ва тасарруф этиш имконияти” тушунчасига етарлича эътибор қаратилмайди.

Илмий манбалар таҳлили мутахассислар томонидан ягона мезонлар таклиф этилмаганини кўрсатади, бироқ мазкур имкониятни аниқлаш амалиётда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур имконият мавжудлигига тўғри баҳо бериш учун олимлар турли ҳолатларни ҳисобга олишни тавсия этишган. Масалан, талон-торож этилган мулкнинг хусусияти⁴; талон-торож содир этганнинг шахси⁵; вақти, об-ҳаво шароити⁶; ҳолатга жиноятчи томонидан баҳо берилиши⁷.

Шунингдек, “Ҳақиқий имконият” тушунчасини муҳофаза этиладиган объектлардан содир этилган талон-торожни квалификация борасида қўллашда бир мунча мушкуллик келиб чиқади.

М.Х.Рустамбоев айбдор қўриқланаётган ҳудуддан чиққанидан сўнг талон-торож тугалланади деб таъкидлайди⁸.

Бу борада, талон-торож қилинаётган мулкнинг хусусияти ҳамда айбланувчининг ундан қандай фойдаланиш мақсадини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Масалан, предметни ҳудуддан ташқарига чиқмаган ҳолда тасарруф этиш имконияти мавжуд бўлса у ҳолда қилмишни тугалланган деб топиш жоиз (мисол учун, ароқ-вино ишлаб чиқарувчи цехда шишадаги спиртни биргаллашиб истеъмол қилиш)⁹.

Бундан ташқари ҳар доим ҳам объект ҳудудидан ташқарига чиқиш, талон-торожни тугалланган деб топишга асос бўлмайди. Объект ҳудудидан ташқарига чиққан бўлишига қарамасдан, куннинг вақтини, жойлашувнинг хусусияти айбланувчига талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш имкониятини тақдим этмаганлиги (мисол учун, мазкур ҳудудда аҳоли яшаш масканлари йўқлиги) учун қилмишни тугалланмаган деб баҳоланади.

Бизнингча, талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш ва тасарруф этиш имконияти борасидаги суд-тергов амалиётини такомиллаштириш мақсади-

да қуйидаги белгилар йиғиндисини инобатга олиш лозим:

➔ жиноят предмети қўлга киритилган жой, яъни Н.А.Лопашенко таъкидлаганидек, агар мол-мулк айбланувчи учун кириш тақиқланган, масалан завод, фабрика, бошқа ишлаб чиқариш муассасаси ёки турар жой ёки шу каби бошқа жойдан талон-торож қилинган, лекин унинг ҳудуди ташқарисига олиб чиқилмаган бўлса, қилмиш тугалланмаган ҳисобланади;

➔ айбланувчининг талон-торож қилинган мулкдан фойдаланиш мақсади; талон-торож қилинган мулкнинг хусусияти (масалан, истеъмол қилиш мумкин бўлган мулк талон-торож қилинса, айбланувчи мулкдан фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигини инобатга олган ҳолда, суд-тергов амалиёти қилмишни тугалланган деб ҳисоблайди);

➔ талон-торож содир этганнинг шахси, унинг мулкдан фойдалана олиш имконияти;

➔ жиноят содир этилишининг аниқ шароити сутканинг вақти, об-ҳаво шароити, бевосита яқин объектларнинг мавжудлиги, кузатувни қийинлаштирувчи ҳолатда (бинолар, транспортлар ва бошқалар.);

➔ шахснинг мол-мулкдан фойдаланиш борасидаги ниятлари, шунингдек жиноятчи томонидан вазиятни баҳолаши.

Аммо, юқоридаги рўйхат ҳам қатъий ҳисобланмасдан, талон-торож содир этилган ҳудуднинг хусусияти, талон-торожга ҳалақит қилиши мумкин бўлган шахсларнинг мавжудлиги каби бошқа фактларни ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Фарҳоджон АБДУҚОДИРОВ,

ИИВ Академияси таянч докторантура докторанти

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди архивидан. 1-1007-1550/309-сонли хукм. (<https://public.sud.uz/#!/sign/criminal>)
2. Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди архивидан. 1-1009-1903/14 -сонли хукм. (<https://public.sud.uz/#!/sign/criminal>)
3. В.Н.Литовченко Уголовная ответственность за посягательства на социалистическую собственность (понятие хищения). М.: Всесоюзный юридический заочный институт, 1985. С. 41.
4. В.Курченко Оконченное преступление или покушение // Законность. 2005. № 11. С. 23-25.
5. Н.М.Букаев Теоретические проблемы первоначального этапа расследования преступлений против собственности: к.ф.н. дисс. Владивосток, 2001. С. 101.
6. М.Третьяк., В.Волошин. Определение момента окончания хищения // Уголовное право. 2007. № 3.С. 60-64
7. Е.А.Сухарев, А.Д.Горбуза Методика квалификации преступления против социалистической собственности. Свердловск: Свердловский юридический институт, 1983. С.19.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Махсус қисм/ М. Рустамбаев. – Тошкент: «Адолат», 2016 –273 б.
9. О.А.Адоевская Дифференциация ответственности за кражу по уголовному праву России. Самара: «Самарский университет», 2009. С.35.



Иzzатулло ТОЛИБОВ,
Судьялар олий мактаби
докторанти, юридик
фанлар номзоди

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Демократик қадриятлар қарор топган, ҳар томонлама ривожланган жамиятдаги ижтимоий муносабатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти шунда намоён бўлади, у моҳият эътиборига кўра давлатга қарашли бўлмаган ҳолда, жамият аъзоларининг фаровон яшашларини кўзлаб, инсонпарварлик ва адолат тамойилларини қарор топтириш мақсадида фуқароларни ихтиёрий асосда бирлаштиради.

“Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги тарихий роли беқиёсдир. Улар бу жараёни “қуйидан”, омма ичидан туриб кучайтиради, ижтимоий муносабатларга ўзини ўзи бошқаришнинг янгича элементларини олиб киради, ҳуқуқий қадриятлар устуворлигини қарор топтиради, фуқароларда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳокимиятга таъсир кўрсатишга қодир эканликларига ишонч уйғотади.”¹

Юксак ривожланган давлатлар қаторига қўшилишдек аниқ мақсадни кўзлаган янги жамият нодавлат нотижорат ташкилотлари олдига ҳам муайян вазифаларни қўймоқда. Инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда кескин бурилишлар рўй бераётган ҳозирги кунда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онгини оширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштироки ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаларида бу масалага алоҳида тўхтаб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтган эдилар. “Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратиш зарур. Айниқса, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга ижтимоий буюртма асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари кенг жалб этилади.”²

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида роли ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундай ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш бевосита уларнинг турларини аниқлаш, ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Одатда бундай ташкилотларни кўпчилик умумий тушунча сифатида қараб, улар бир-биридан фарқ қилмайди, деб ҳисоблашади. Аслида улар ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра бир-бирларидан кескин

фарқ қилиб, ўз фаолиятларини қайси доирада ёки қайси ижтимоий қатламнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилганлиги уларнинг турларини белгилаб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ҳақида фикр юритганда, биринчи навбатда мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб энг кенг тарқалган жамоат бирлашмасини алоҳида таъкидлаш лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг такомиллашувида, бошқа турларининг пайдо бўлишида жамоат бирлашмаси институти муҳим аҳамият касб этади.

Жамоат бирлашмаси тушунчаси 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида қуйидагича белгиланган: “Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.”³

Биз юқорида бежиз энг кўп тарқалган нодавлат нотижорат ташкилотлари тури сифатида жамоат бирлашмаси деб эътироф этмадик. Чунки, қонунчиликдан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ўз навбатида жамоат бирлашмаси фаолияти ҳудудий қамровига қараб, республика ва маҳаллий бирлашмалари сифатида фарқланади. Агар жамоат бирлашмасининг фаолияти бутун республика ҳудудида амалга ошириладиган бўлса, у республика миқёсидаги жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Фаолият доираси фақат вилоят, туман ва маълум бир шаҳар билан чекланган бўлса, у ҳолда маҳаллий жамоат бирлашмаси турига киради.

Шу ўринда энг йирик, катта тажрибага эга бўлган республика миқёсидаги нодавлат нотижорат ташкилотларидан бири – сиёсий партияларнинг бошқа жамоат бирлашмаларидан фарқли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда бешта сиёсий партия, яъни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Экология партияси фаолият юритяпти. Барча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракциялари тузилган. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ушбу фракцияларнинг раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари ҳисобланади.

Бугунги кунда улар жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнларида фаол иштирок этишмоқда. Уларнинг ташаббуси билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва мансабдор шахсларининг парламент ва маҳаллий кенгашларда ҳисобот ва ахборот бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Лекин, бугунги давр, шиддатли ислохотлар сиёсий партияларнинг вакиллари билан бундай кенг кўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва ижрочиси бўлишни тақозо этмоқда. Айнан уларнинг самарали фаолияти билан жамият тараққиётига асосий омил бўладиган – жамоатчиликда ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси пайдо бўлади. Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим. “Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди “мудраб ётган” сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак.”⁴

Энди сиёсий партиялар бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам чуқур таъсир ўтказиши керак. Бунинг учун сиёсий партиялар фаолияти янгича тенденциялар асосида ривожланиши талаб этилади. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, унинг тараққиёт учун аҳамиятини чуқур ўрганган, тадқиқ этган таниқли сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоев куйидаги фикрларини билдиради: “партиявий тузилмаларнинг самарадорлигини белгиловчи умумий мезонларга бу партиялар томонидан аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига хассослик билан ёндашиш, партиялар иштирокида фуқароларнинг ўта муҳим манфаатлари юзасидан қарорлар қабул қилиш, сиёсий элита фаолиятини демократик назорат қилишни амалга ошириш каби партиявий қадриятларни мисол келтириш мумкин.”⁵

Сиёсий партиялар жамиятдаги муаммо ва камчиликларни ёки жамоатчиликнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тизимли ўрганиб бориши лозим бўлган энг муҳим нодавлат нотижорат ташкилотлари турларидан бири сифатида бу вазифаларни қандай амалга оширяпти, деган савол туғилади. Очигини айтиш керак, сиёсий партиялар ўзларининг жамият тараққиётидаги вазифасини тўла бажаряпти деб айтиш қийин.


Биринчидан, таҳлиллар шуни кўрсатадики, улар фаолиятида жонланиш фақат сайловлар арафасида ёки сайлов жараёнида кузатилади. Бошқа пайтларда партиялараро кураш, ғоялар, фикрлар, ўзаро баҳс-мунозаралар деярли сезилмайди.

Иккинчидан, партияларнинг мақсад ва вазифаларида бир-бирдан алоҳида ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланмайди. Айниқса, Адолат социал-демократик партияси билан Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифалари бир-бирига жуда яқин. Буларнинг электорати ҳам бир-бирига яқин.

Учинчидан, сиёсий партиялар аъзолари ва фаоллари аҳоли вакиллари иштирокидаги тадбирларни асосан бирон-бир байрам ёки тарихий сана муносабати билан бир хил форматда ташкил этади. Ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигини мониторинг қилишмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг турларидан яна бири – ассоциациялар ҳисобланади. Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Врачлар ассоциацияси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва бошқа жуда кўплаб ассоциациялар Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб фаолият юритмоқда.

Юридик соҳага ихтисослашгани учун Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз. 1997 йилда фаолият бошлаган Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси судларнинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда суд ҳокимиятининг инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилувчи институт сифатида шаклланишига муносиб даражада ҳисса қўша оладиган мустақил жамоат ташкилоти сифа-



тида ўзини ҳар томонлама намоён этиб келмоқда. Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – судьяларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришдир. Бу борада ҳам Ассоциация бир қатор ташаббус ва ғояларни илгари сурмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари муассаса кўринишидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклига ҳам эга бўлиб фаолият юритиши мумкин. “Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади”⁶.

2006 йил 12 апрелда қабул қилинган “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг янги бир тури – хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари вужудга келди. Мазкур қонунга кўра, “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.”⁷

Ширкат ўзининг Уставига биноан уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва унинг сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартиралари уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Унинг фаолияти қуйидаги принципларга асосланади:

- ихтиёрлик;*
- ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик;*
- ўзини ўзи бошқариш;*
- очиклик ва ошкорулик;*

**Ватани борнинг
бахти бор,
Меҳнати борнинг –
тахти.
Ўзбек халқ
мақоли**

*ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш;
коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат;
уй-жой мулкдорлари олдидан мунтазам ҳисобот бериш.*

Асосий принципларидан ҳам кўриниб турганидек, ушбу ташкилот ўзининг фаолиятини очик, ошкора, мустақил равишда амалга оширади. Соҳа мутахассисларининг мулоҳазаларига кўра, “ширкатлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашишга ҳақлидир. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина ширкатлар уй-жой мулкдорларининг уюшмаларига бирлашганлар.”⁸

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилаётганда бу борадаги халқаро тажрибани ҳам ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, айрим мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини кўриб чиқамиз

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЖРИБАСИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Қозоғистон Республикаси фуқаролик жамияти институтлари кенг ривожланган давлатлар қаторига киради. Қозоғистонлик сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар фуқаролик жамияти институтларини замонавий демократик бошқарувнинг энг асосий атрибутларидан бири деб эътироф этишади.

Қозоғистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари бир нечта ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият юритади. Хусусан, 2001 йил 16 январда қабул қилинган “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида нотижорат ташкилотларининг қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари санаб ўтилган:

- муассасалар;
- жамоат бирлашмалари;
- фондлар;
- диний уюшмалар;
- нотижорат акционерлик жамиятлари;
- истеъмолчилик кооперативлари;
- ассоциация (иттифоқ) шаклидаги юридик шахсларнинг уюшмалари;
- нотижорат ташкилотининг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари.⁹

Мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли жиҳати Қозоғистон қонунчилигига кўра, сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари орасига киритилмаган. Миллий қонунчилигимизда, жумладан “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “Жамоат бирлашмаси” тушунчасига таъриф берилиб, унда сиёсий

партиялар ҳам, касаба уюшмалари ҳам жамоат бирлашмаси сифатида эътироф этилган. Қозғоистонда жамоат бирлашмалари нотижорат ташкилотлари турларидан бири ҳисобланишига қарамасдан, сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари нотижорат ташкилотлари тури ҳисобланмайди.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАЖРИБАСИ

Россия Федерациясида нотижорат ташкилотлари фаолияти асосан 1996 йил 12 январда қабул қилинган “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонун¹⁰ билан тартибга солинади. Ушбу қонунга мувофиқ, нотижорат ташкилотларининг 12 та ташкилий-ҳуқуқий шакли белгиланган. Жамоат ва диний ташкилотлар (бирлашмалар), фондлар, ассоциациялар, хусусий муассасалар, уюшмалар, автоном нотижорат ташкилотлари шулар жумласидандир.

Россияда энг кўп тарқалган нотижорат ташкилотлардан бири бу – муассасалар бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, нотижорат ташкилотининг айнан ушбу тури МДХ мамлакатлари орасида энг кўп учрайдиган ташкилотдир. Бошқа нотижорат ташкилотлардан фарқли ўлароқ, муассасалар ўзларига етказилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Автоном нотижорат ташкилоти – бу таълим, ижтимоий сиёсат, маданият ва шу каби соҳаларда хизмат кўрсатадиган ташкилотдир. Одатда бундай ташкилотлар ўз хизматларини ҳақ эвазига тақдим этиш орқали даромад олади.

УКРАИНА ТАЖРИБАСИ

Украинада нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик ўзига хос хусусиятларга эга. Қозғоистонда ёки Россияда бундай ташкилотларнинг фаолияти асосан “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинса, Украинада нотижорат ташкилотлари фаолиятининг туридан келиб чиқиб, алоҳида-алоҳида қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, “Профессионал уюшмалар, улар ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (1999 йил 15 сентябрь), “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (2012 йил 22 март), “Хайрия фаолияти ва хайрия ташкилотлари тўғрисида”ги (2012 йил 5 июль) Украина Республикасининг қонунлари шулар жумласидандир. Ушбу давлатда нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳам бошқа мамлакатлардан фарқ қилади.

Украинада нодавлат нотижорат ташкилотлари турлари ҳақида гап кетганда, нотижорат ташкилотлар¹¹ деган тушунча мавжуд ва аҳамиятлиси, бундай ташкилотларга айнан жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ижодий уюшмалар, диний ташкилотлар, хайрия ташкилотлари, фондлар кириши белгиланган. Бундай ташкилотлар Украина Солиқ кодексига биноан солиқ органларидан рўйхатдан ўтади.

Украина қонунчилигига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари кўшимча қиймат солиғи, шунингдек даромад ва юридик шахслар учун солиқ тўлашдан озод қилинган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан олинган барча маблағлар солиққа тортишдан озод қилинади. Бундан ташқари, аъзолар ва хайрия ташкилотларидан олинган барча молиялаштириш ҳам солиққа тортилмайди.

Ўзбекистон, Қозғоистон, Россия ва Украина давлатларидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий-таҳлилий ўрганиш натижасида айрим хулосаларни билдириш мумкин.

Бу давлатларнинг ҳар бирида қонунчилик ҳамда амалиёт нуқтаи назаридан умумийлик кузатилса-да, жамиятнинг муҳим институти сифатида ажралиб турадиган алоҳида қуйидаги хусусиятларига эга:

биринчидан, ҳар бир давлатда ижтимоий гуруҳларнинг турли манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишдан келиб чиқиб, ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакл ҳамда турлари вужудга келган; *иккинчидан*, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ўзига хосликлар намоён бўлади;

учинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказадиган органлар ва тартибда фарқли жиҳатлар кўзга ташланади;

тўртинчидан, жамиятнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муносабатда турлича ёндашув ва тенденциялар бир-бирдан ажралиб туради.

Умумийлиги шунда-ки, ўрганган барча давлатлардаги бундай ташкилотлар фаолиятдан кўзланган асосий мақсад ягона – жамият ва давлат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма”, Ш.М.Асъянов, М.Ш.Куликова, А.Исаева, М.Абдулин, Тошкент-2009., “Санъат” журнали нашриёти., 9-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси., 2020 йил 29 декабрь., Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти., Воқеалар бўлими
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон., 76-модда.
4. Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси., 2017 йил 13 июль., president.uz сайти., Воқеалар бўлими.
5. “Патология”., “Akademiya” нашриёти., Тошкент 2007 йил., 60-61 бетлар.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 76-моддаси., Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 4-сон, 158-модда: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда
8. “Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир қўлланма”, Ш.М.Асъянов, М.Ш.Куликова, А.Исаева, М.Абдулин., Тошкент-2009., “Санъат” журнали нашриёти., 53-бет.
9. Закон Республики Казахстан от 16 января 2001 года., № 142-ІІО некоммерческих организациях., <https://online.zakon.kz/>
10. Федеральный закон от 12.01.1996 N 7-ФЗ «О некоммерческих организациях»
11. <https://jurliga.ligazakon.net/ru/news/>

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Янги қабул қилинган Сайлов кодексининг бир қатор нормаларида сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликнинг умумий нормалари белгиланди.

Ушбу кодекснинг 103-моддасида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик нормаси киритилди.

Ҳар қандай давлатнинг ўз фуқаролари сайлов ҳуқуқларини маъмурий ёки жиноий-ҳуқуқий ҳимоя механизмлари фақат шу давлатгагина хос бўлган жиҳатлари билан бир қаторда, умумий кўринишларга ҳам эгадир.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг саккизта моддадан иборат бўлган янги боб - “Сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланган V¹- боб билан тўлдирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ҳуқуқларини, сайловолди ташвиқоти шартлари ва тартибини бузиш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод ёхуд сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этиш ҳам маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилишига олиб келади.

Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақилдир. Зеро, сайлов жараёнини қонуний, адолатли ҳамда сайловнинг барча иштирокчиларига тенг шароитларда ташкил этиш учун сайлов комиссияси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим таъминланган. Унинг амалда таъминланмаслиги сайловларнинг демократик моҳиятига путур етказиши.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини бажармаслик мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Жиноят кодексига сайлов қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар ҳам мавжуд. Хусусан, ушбу кодекснинг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, 147-моддасида сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатлари-

нинг амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилиши билан боғлиқ бўлган қилмишлар Жиноят кодексининг 146-моддасида белгилаб қўйилган. Булар: сайловлар ёки референдумни ташкил қилиш пайтида мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, сайлов комиссиялари, ёхуд референдум комиссияларининг аъзолари томонидан содир этилган қонунбузарликлардан, хусусан, овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, бюллетенлар ва имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашдан иборат.

Ушбу жиноят содир этилган ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, референдум ва сайловларни ўтказиш бўйича белгиланган тартиб бузилади.

Ўзбекистон Республикасида сайловчилар хоҳиш ва иродаларини эркин ифодалаш ҳамда яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссияларида овоз бериш учун махсус хоналар ажратиш орқали фуқаролар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифодаланишига имкон яратилади. Яширин овоз бериш сайловчининг иродасини ифодалашида ҳеч бир назорат йўқлигини назарда тутаяди.

Сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш асл (расмий) ҳужжатларга ёлғон, яъни ҳақиқатга зид маълумотларни киритишда ўз аксини топади. Ваҳоланки, ҳужжатнинг аслига тўғри эканлигидан далолат берувчи барча хусусият ва реквизитлар сақланади. Шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш, аниқроғи шаклан ва мазмунан сохта ҳужжатларни яратиш ёки асл ҳужжатга қисман хато ўзгартириш киритиш ҳам сохталаштириш бўлиб ҳисобланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам қалбакилаштириш сайлов ёки референдумда қатнашаётган шахснинг хоҳиш-иродасини бузиб кўрсатаётганлигини эътиборга олиш лозим.

Сайлов бюллетенлари ёки сайловчи варақаларига сохта ёзув киритилиши, моҳиятан, сайлов ҳужжатлари ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштиришнинг бир кўриниши бўлиб, асл ҳужжатга ҳақиқатга зид ёзув (маълумот)ларни кири-

тишда ўз ифодасини топади ва бунда ҳужжат асл хусусият ва реквизитларни сақлаб қолади.

Овозларнинг атайлаб нотўғри ҳисобланиши – сайлов натижаларини қасддан қалбакилаштириш, яъни у ёки бу номзод учун берилган “тарафдор” ва “қарши” овозлар сонини ошириш ёки камайтириш, ёки референдум натижаларини қасддан сохталаштиришда намоён бўлади.

Сайлов ёки референдумни ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишига қаратилган ҳаракатлардан бири содир этилган пайтдан бошлаб, ижтимоий хавф вужудга келган-келмаганлигидан қатъи назар, ЖКнинг 146-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик юзага келади.

Мазкур жиноят 18 ёшга тўлган мансабдор шахс, сиёсий партия ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, сайлов комиссиялари ёки референдум комиссиялари аъзолари томонидан содир этилган бўлиши мумкин.

Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (ЖКнинг 147-моддаси) фуқароларнинг депутатлар ёки Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқларининг амалга оширилишига, депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар вакиллари фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишига зўрлик ишлатиш, кўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилишдир. Жиноят кодексининг 147-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилганда фуқаронинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш, референдумни ўтказишда қатнашиш ҳуқуқлари поймол этилади, яъни уларнинг актив ва пассив сайлов ҳуқуқлари бузилади.

Актив сайлов ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига сайлашдан иборат конституциявий ҳуқуқдир. Пассив сайлов ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига сайланишга бўлган конституциявий ҳуқуқдир.

Сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқи – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда қатнашиш, шунингдек, қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, амал қилиб келинаётган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, бошқа муҳим давлат масалалари бўйича овоз беришдан иборат конституциявий ҳуқуқдир.

Тўсқинлик қилиш сайловчининг сайлов ҳуқуқи ёки референдумда қатнашиш ҳуқуқининг (масалан, сайловолди тарғибот ишларини олиб боришни ман қилиш, сайловчилар рўйхатига киритмаслик ва ҳоказо) татбиқ этилишига йўл қўймаслик учун сайлов-



чига ёки номзоднинг вакилига қонунда кўрсатилган усул, яъни зўравонлик, дўқ-пўписа, ёлғон ёки пора бериш усули билан таъсир қилишни кўзда тутати.

Бу ўринда зўрлик деганда фуқаронинг сайлаш ҳуқуқини амалга оширишига ёки вакил бўлган шахсларнинг ваколатларини ижро этишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай жисмоний таъсир тушунилади. Бундай зўравонлик энгил ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш, зарба бериш, ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш ва бошқа шаклда намоён бўлиши мумкин.

Фуқаронинг ўз сайлаш ҳуқуқини амалга оширишига ёки вакил бўлган шахсларнинг ваколатларини ижро этишига тўсқинлик қилиш, уни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмиш ЖК 138- ва 147-моддалари билан жиноятлар жами тарзида таснифланади.

Кўрқитиш – жабрланувчи сайлаш ҳуқуқидан фойдаланган ёки ишончли вакил ваколатларини бажарган тақдирда, унинг қонун томонидан ҳимоя қилинган шахсий манфаатлари (ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки, шаъни, ғурури ва бошқалар)га ёки қариндош ва яқинларига зарар етказиш ҳақида турли усул билан (ёзма, оғзаки, ишора ва бошқалар) баён этилган руҳий-маънавий тазйиқдир.

Алдаш деганда шахсга сайловларда, референдумда қатнашиш, сайловолди тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқи борасида қасддан хато маълумот бериш, шунингдек, овоз бериш санаси, жараёни, вақти, манзили, бюллетенларни тўлдириш тартиби ва фуқаронинг сайловолди кампанияларда ҳамда сайловларда эркин қатнашиши учун зарур бўлган маълумотларни нотўғри етказиш назарда тутилади.

Оғдириб олиш деганда сайловолди кампанияларида, сайловларда, референдумда иштирок этмаслик эвазига шахсга ёки сайлов комиссияси аъзосига сайлов комиссиясининг ишига халақит бериш эвазига тақдим этилган пул ёки турли хил имтиёз ёки рағбатлантиришлар тушунилади.

Баҳром АХРАРОВ,
профессор,
Шухрат АЛИРИЗАЕВ,
тадқиқотчи



**Шерзод
РАЙИМОВ,**
ИИБ Академияси
ўқитувчиси

ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши олдини олиш масаласининг ҳал қилинишини профилактик фаолиятининг бошқа вазифаларига нисбатан устувор вазифа деб эътироф этиш лозим. Чунки, ушбу масала ҳал этилса, илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва очиш вазифалари ўз-ўзидан йўқолади.

Профилактика хизмати амалга оширадиган умумий профилактикадан фарқли равишда, илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси уларни ўрганиш учун ахборот олишнинг барча манбаларидан фойдаланишни назарда тутди. Ўрганишнинг йўналганлиги криминоген аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар, шахс хусусиятлари, яъни хатти-ҳаракатнинг ривожланиши билан сабабий боғлиқ бўлган вазиятларни аниқлаш ва баҳолашни, шунингдек тегишли шахсларнинг турмуш тарзи, ҳуқуқбузарликларга алоқаси бор ёки йўқлигини текширишни тақозо этади.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ички ишлар органлари профилактик хизматининг ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У бошқа илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси функциялари билан бир қатордаги мустақил функция сифатида шаклланган бўлиб, босқич-ма-босқич ривожланмоқда.

Ўзининг мақсадли вазифаси, билиш шароитлари ва усулларига кўра, илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тактик усуллари тегишли объектга махсус йўналган, норматив тартибга солинган таъсир кўрсатиш тизимини ташкил қилади.

Шу билан бирга, тактик усуллар илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тактикасидаги ИИО профилактик кучлари воситалари ва усулларидан фойдаланиш бўйича барча кўп қиррали, олдини олиш фаолиятини қамраб олмайди. Тактика назарияси бутун ахборот-билиш профилактик фаолиятини формаллаштириши, шаклга солиши мумкин эмас. Унинг моҳияти шунда-ки, кўпгина аниқ профилактик тадбирлари аралаш хусусиятга эга бўлиши, яъни илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси олдини олишга ҳам, уларни очишга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин.

Назаримизда, кўпгина тавсияларда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тактик усуллари механик тарзда ҳуқуқбузарлик профилактикасига ҳам кўчирилганлиги профилактик усуллардан фойдаланган ҳолда кенг миқёсда профилактика ишини ривожлантириш буюрилган ҳамда уларнинг таъсир (амал қилиш) механизми, қўлланиш хусусияти, мақсадга йўналганлиги кўрсатилмаган.

Таъкидлаш зарурки, илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мураккаб жараён бўлиб, унинг мазмуни фаолиятнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Унда бир қатор таркибий қисмлар (унсурлар) ажратилади:

• илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш фаолияти (умумий профилактика), шунингдек ҳуқуқбузарликни содир этишига мойил шахсларни аниқлаш ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида уларга таъсир кўрсатиш (якка тартибдаги профилактика);

• илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактикаси – муайян ҳуқуқбузарликни содир этишни режалаштираётган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг режалари амалга ошишига имкон бермаслик учун зарур чоралар кўриш борасидаги фаолият;

• илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш – ҳуқуқбузарликка тайёргарлик кўриш ва бунга суиқасд қилаётган шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатларини бартараф этиш мақсадида зарур чоралар кўриш борасидаги фаолият.¹

Мазкур элементларнинг ҳар бири нисбатан мустақил. Аммо, уларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ, айти бир асосий пировард мақсадга – илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган. Айти вақтда ушбу мақсадга турли куч, восита ва усуллардан фойдаланиб, мазмуни бўйича турли хил тадбирлар орқали эришилади. Уларнинг ўзига хослиги ҳар бир элемент учун махсус бўлган вазифалар билан белгиланади.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асосий мақсадга эришиш, унинг махсус (жузъий) вазифаларини бажариш фақат ички ишлар органларининг профилактик фаолияти натижасида бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси узлуксизлик, доимийлик хусусиятларига эга бўлиши ҳамда ҳуқуқбузарликларни режалаштираётган ёки тайёрлаётган шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатларидан олдин келиши лозим. Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари профилактика инспекторларига нисбатан эса ҳужумкорлик принципи устувор аҳамиятга эга бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Хўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида): Юрид. фан. бўйича фалс. док. (PhD). дисс. автореф. – Т., 2018. – 52 б.

ДАЪВО МУДДАТИ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ



**Фазлиддин
ЮЛДОШЕВ,**
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

АННОТАЦИЯ:

Мақолада даъво муддати тушунчаси, турлари, процессуал оқибати ҳамда соҳага оид халқаро ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *муддатлар, даъво муддати, умумий ва махсус даъво муддати, даъво муддати узилиши, тўхтатилиши ва халқаро конвенция.*

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатларининг бир тури даъво муддати ҳисобланиб, шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатга даъво муддати деб эътироф этилади.

Муддатнинг қонун нормаси билан қатъий белгилаб қўйилиши шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган имконият бўлиб, ушбу муддат давомида ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаса, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш имкони йўқотилиши тўғрисида огоҳлантиради.

Шахс ҳуқуқларини тўлақонли ва ўз вақтида ҳимоя қилиш мақсадида даъво муддати умумий ва махсус турга бўлинади.

Умумий даъво муддати – қонун ҳужжатларида олдиндан белгилаб қўйилган ва алоҳида тартибни назарда тутувчи муддатлар қўлланилмайдиган, иштирокчиларининг барчаси учун уч йил қилиб белгиланган муддат.

Махсус даъво муддати эса қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри кўрсатилган талабларга нисбатан қўлланилади.

Хусусан, юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган (ФКнинг 724-моддаси) низолар бўйича бир йил, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги (“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 41-моддаси) низолар бўйича икки ой, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 62-моддаси) ҳақидаги низолар бўйича бир йил, махсус даъво ишга тиклаш низолари бўйича ходим меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой, ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилгани иш берувчига маълум бўлган кундан бир йил этиб белгиланган.

Бугунги кунда амалиётда меҳнат низолари бўйича дастлабки мурожаат прокуратура, меҳнат бўлимлари ёхуд бошқа ваколатли идораларга келиб тушмоқда, ушбу органларда мурожаатларнинг ўрганилиши даъво муддатини тўхтатиб турмаслиги қонун ҳужжатларидаги муддатни ўтишига олиб келиб, кейинчалик судга киритган даъвосини рад этилишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, махсус даъво муддатида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу ҳуқуқларни ўз вақтида амалга оширишига шароит яратиш мақсадида қисқартирилган муддатлар ҳам белгиланиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда жойлаштириш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан бўйин товлаётган шахсни ғайриихтиёрий тартибда жойлаштириш зарурлиги ҳақидаги хулосаси қабул қилинган кундан эътиборан бир сутка ичида, янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарор, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан 3 ой муддат ичида берилиши қайд этилган.

Мазкур даъво муддатлари ўтказиб юборилган тақдирда суд тарафларнинг даъво муддатини қўллаш ҳақидаги талабига мувофиқ аризани рад этиши мумкин.

Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқларини бузилгани билан ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ўтишни бошлайди. Даъво муддатини қўллашга фақатгина судлар ҳақлидир. Бирок, бу судлар ўз ташаббуси билан даъво муддатини қўллайди дегани эмас. Суд фақатгина тарафлардан бирининг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги талаби (илтимоси) бўйича ушбу қондан қўллайди.

Ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси билан мурожаат қилаётган томон даъво муддатларига қатъий риоя этиши, акс ҳолда ушбу муддатларга риоя этилмаган ҳолда берилган аризалар бўйича давлат божлари қайтарилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида тарафларни моддий жиҳатдан ҳам ортиқча чиқим қилишига олиб келади.



**Отабек
МУХАММАДИЕВ,**
жиноят ишлари
бўйича Чилонзор
туман суди
судьяси

ФИРИБГАРЛИКНИ “САНЪАТ” ДАРАЖАСИГА ЧИҚАРГАН АЁЛ

Аёл деганда кўз олдимизга энг аввало ҳар биримизнинг мўътабар онамиз, қадрли бувижонларимиз, мунис опа-сингилларимиз келади. Мана шу аёллар дунёда янгидан-янги чақалоқ йигиси эшитилишига сабаб бўлаётган зотлардир. Лекин, бу улуғ номга номуносиб аёллар ҳам йўқ эмас. Сўнги пайтларда жиноятлар ичида энг кўп учраётгани фирибгарлик бўлиб, ачинарлиси, бу жиноятларни содир этаётганлар орасида аёлларнинг ҳам борлигидир. Ушбу мақолада муқаддам судланиб, тайинланган жазони ўтаб бўлмасдан фирибгарлик, ўзганинг мулкани такроран алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида бир қанча ҳолатларда қасддан жиноят содир этган, фирибгарликни “санъат” даражасига чиқарган аёл ҳақида ҳикоя қиламиз.

Г.С. К.С.нинг фарзанди К.Э.ни колонияда жазо ўтаётганида вафот этганлигидан хабар топиб, С.К.га ўзини Миллий гвардияда ишловчи адвокат деб таништиради ва ўғлининг муассасада вафот этганлиги сабабли, унга пул ажратиб берилганлигини маълум қилиб, бир миллиард сўмлик қалбаки квитанцияни беради. Шундан сўнг, ҳужжатлаштириш харажатлари ва суддаги давлат божига тўлаш учун С.К.дан жами 18 900 000 сўм пулини ҳамда баҳоси 3 000 000 сўмлик бир бош кўчқорини олади ва берган ваъдасини бажармай, пулни ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади.

Одамнинг нафси уни ҳар кўйга солар экан. Г.С. учун вафот этган одамнинг орқасидан пул топиш бу фирибгарликларининг бошланиши бўлди. Энди у С.К.нинг турмуш ўртоғи К.Р.нинг кўзи ожиз ва қулоғи эшитмаслигини билгач, С.К.нинг ишончига кириб, ўзининг “Х” шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида юқори лавозимларда ишлайдиган танишлари орқали К.Р.га ногиронлик гувоҳномасини расмийлаштириб беришни айтади ва С.К.нинг 2 600 000 сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади. Шунингдек,

Г.С. С.К.нинг келини К.Э.ни “Х” шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига ишга жойлаштиришини айтиб, алдаб, С.К.нинг 1 000 000 сўм пулини олади.

Шундан сўнг, Г.С.нинг навбатдаги нишони фуқаро Н.И. бўлди. Унга ўзини адвокат сифатида таништириб ишончига киради, “Ўзбеккўмир” АЖ “Темир йўл транспорт” филиалида қизи ҳамшира бўлиб ишлайдиган Х.А.га йўналиши бўйича сертификат олиб беришни, қизини ҳақорат қилган, ҳамкасби Н.Н.ни бошқа ишга ўтказиб бериш ваъдалари билан Н.И.дан 1 250 000 сўм ҳамда 100 АҚШ доллари олади-ю шу билан жуфтакни ростлайди.

Г.С. нафсининг хуружи бу билан асло тўхтамади, унинг васвасаси ортса ортдики, лекин ҳеч тугамади. Энди у ўзини Ж.Н.га адвокат деб таништириб, унинг ишончига киргандан кейин дастлаб, Ж.Н.нинг ногирон ўғлини мурувват уйига жойлаштиришга ёрдам беришини, қолган ўғилларига ҳам уй-жой олиб беришни, сўнг ногирон ўғлини мурувват уйига жойлаштиришни эмас, балки 3 хонали уй олиб беришни ваъда қилиб, жами 12 500 000 сўм пулини олади.

Инсоннинг учта асосий душмани бор: дунё, шайтон ва нафс. Агар ана шу учала ғанимингиздан эҳтиёт бўлмасангиз, уларнинг фитналарига сергак турмасангиз, уларга қарши кураш очмасангиз, улар ҳаётингизни хароб, бағрингизни кабоб, руҳингизни бетоб қилади. Ҳою-ҳавасларни, нафс истакларини тарк этиш орқалигина улардан ҳимояланилади.

Г.С. эса ана шу инсониятнинг ашаддий учта душмани билан яқиндан дўст бўлди. Энди у А.М.га унинг Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳридаги Жанубий Қозоғистон Давлат педагогика университетидан ўқийдиган қизи И.М.ни Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги Давлат педагогика университетига ўтказиб беришни ваъда қилиб, 1 000 000 сўм ва 100 АҚШ доллари билан фирибгарлик йўли билан олади.

*“Адолат бутун камолот
мажмуи бўлса, ёмонлик
унинг акси, яъни бутун
камчиликлар мажмуидир”.*

**Жалолиддин
ДАВВОНИЙ**

Шунингдек, Г.С. жиноий ҳаракатини давом эттириб, такроран, “Х” метро бекати ёнидаги савдо шохобчасида савдо фаолияти билан шуғулланувчи Н.А.га ўзини Миллий гвардия ходими сифатида таништириб, бир неча бор қарзга турли буюмларни олади ва қарзини ўз вақтида қайтариб унинг ишончига киргач, унга тест марказининг юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали ўғли Ж.Б.ни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг сиртқи бўлимига ўқишга ҳамда Миллий гвардияга ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилиб, алдаб Н.А.нинг 580 000 сўм пулини, 10 000 000 сўмлик сариқ металлдан ишланган тақинчоқларини, 3 300 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган ва қайтармаган.

Бундан ташқари, Г.С. ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан такроран талон-торож қилиш мақсадида фуқаро Ш.О. билан унинг холаси Н.А. орқали танишиб, унга 11 000 АҚШ доллари эвазига тадбиркорлик қилиб, берган пулини кўпайтириб беришини ва ўқишининг 175 000 000 сўм шартнома пулини тўлашини ҳамда унинг ўқишини бюджетга ўтказиб беришни ваъда қилиб, жами 11 000 АҚШ долларини олади ва ҳар доимгидек ваъдасини бажармай, ушбу пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Г.С.га бу иш ёки қолди. Содда, айниқса, ҳуқуқий билими кам, пора беришга мойиллиги бор одамларни излай бошлади ва топди ҳам — А.К. билан телефонда танишиб, ишончига кириб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали ўқишини Қозоғистон Педагогика институтидан Самарқанд давлат университетига кўчириб ўтказишни ваъда қилиб, А.К. ва отаси Б.К.ни алдаб, жами 14 400 000 сўм олади. Ҳаракатлари ишончли бўлиши учун А.К.дан Олий ва ўрта-махсус таълим вазири номига ариза ёздириб, ўқишини Қозоғистон Педагогика институтидан Самарқанд давлат университетига кўчириш ҳақидаги Олий ва ўрта-махсус таълим вазирининг сохта буйруқ нусхасини тақдим этган.

Г.С. кўзига “осон ўлжа” бўлиб кўринган одамни учратдики, уни алдаб пулини олишга ҳаракат қилади. У йўл-йўлакай К.И. билан танишиб, фарзанди касал эканлигини ва операция учун пул зарурлигини, “Сартива” автомашинасини сотиши билан пулларни қайтариб беришни ваъда қилиб, алдаб, 500 АҚШ доллари сўрайди ва К.И.нинг ёнида бўлган жами 950 000 сўмни олиб ва жуфтакни ростлайди.

Маълумки, ҳар бир нарсанинг яқуни бор. Тонгнинг яқуни тун, туннинг яқуни тонгдир. Г.С. ўзининг сўнги “ўлжаси” Ш.М. билан танишиб, ҳар доимгидек ўзини Миллий гвардия ходими сифатида таништиради, ишончига киргач, Мил-



лий гвардия юқори лавозимларида ишловчи танишлари орқали ўзини ва укаси А.Э.ни Миллий гвардияга ишга олиб кириб қўйишни ваъда қилди ва Ш.М.ни алдаб, уни ишонтириш мақсадида, ундан ариза олади, керакли ҳужжат нусхаларини олиб, турли ҳужжатларнинг расмийлаштириш тўлови, Миллий гвардия томонидан бериладиган уй-жой учун кадастр ҳужжатлари ва махсус кийим бош, махсус оёқ-кийим, махсус кийим тикиш учун тикувчиларга пул бериш баҳоналари билан 15 850 000 сўм ва 300 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади. Лекин, Г.С.га шунча олган пули ҳам камлик қилади. Тиббий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш учун яна 775 000 сўм кераклигини айтгач, Ш.М. ва А.Э. алданганликларини сезиб қолишади ва Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК Департаментига ариза билан мурожаат этади. Ўтказилган тезкор тадбир жараёнида А.Э. Низомий номидаги Педагогика университети ёнида фуқаро Г.С. билан учрашиб, унга тадбирда фойдаланиш учун кимёвий ишлов берилган 775 000 сўм берганида Г.С. департамент ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланган.

Г.С.га суд ҳукми билан 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, унинг илгари тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энгилига алмаштирилган, ўталмай қолган қисмини, яъни 1 йил 5 ой 27 кун муддатини тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан, Г.С.га ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг 1 кунига тенглаштириб ва қисман қўшиб, 4 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилди.

Зулмат. Зулмат тонг келгунича давом этади, холос. Бугунги кунда содда одамларни турли кўринишдаги фирибгарликлар билан чув тушираётган нопокларга жазо йўқ деб ўйлайсизми? Агар шундай фикрда бўлсангиз, катта хатоликка йўл қўяётган бўласиз. Кўза кундамас, кунда си-нади...



Азизбек АТАЖАНОВ,
самостоятельный
соискатель Высшей
школы судей при
Высшем судейском
совете Республики
Узбекистан

IT ТЕХНОЛОГИИ И ТРАНСФОРМАЦИЯ ПРАВОПРИМЕНЕНИЯ

Сегодня, когда развита информационная открытость и прозрачность судебная деятельность стало более доступной. В суды внедряются IT технологии, позволяющие без предварительной подготовки и материальных затрат на консультации юристов самостоятельно узнать о структуре суда и вертикали судебной власти, о порядке направления и необходимых реквизитах жалобы (ходатайства), порядке и сроках ее рассмотрения. Главное контакт юридических и физических лиц с работниками судебного аппарата доводится до минимума.



Азиз АБДУРАЗЗОКОВ,
судья Нурафшанского межрайонного административного суда

Следует отметить, что в сфере цифровизации Узбекистан значительно отстает от мировых трендов. Так в 2020г. в Узбекистане доля цифровой экономики составляла 2,2% в ВВП страны. При этом средним оптимальным показателем считается 7-8%, например, в Великобритании этот показатель составляет 12,4%, Южной Кореи – 8%, Китае – 6,9%, Индии – 5,6%, в Казахстане – 3,9%, России – 2,8%.

Всестороннее и научно-обоснованное использование информационных технологий в государственно-правовых и смежных с ними областями определяет уровень развития самого государства. В настоящее время, информационная составляющая государственного управления и правоохранительной деятельности ограничивается техническим обеспечением создания нормативных и иных локальных актов, и их последующего направления на исполнение, в то время, как цифровой аспект государства и гражданского общества должен основываться на таких цифровых ресурсах, которые бы обеспечивали вне бюрократическое контактирование граждан с органами власти по вопросам обеспечения и защиты их частных прав.

По мнению экспертов, в ближайшие три года благодаря цифровизации экономики 22 процента рабочих мест в мире будут созданы с использованием интернет-технологий¹.

Как утверждает профессор Ричард Сасскинд (Англия), “Существующая судебная система является дорогостоящей и длительной для граждан, которые обращаются к ней за разрешением своих споров; современному обществу такое долгое и дорогое правосудие представляется анахронизмом и неуместным в интернет-обществе, а граждане все больше ожидают, что государственная услуга по разрешению судебных споров будет предоставляться в цифровом (онлайн) виде”².

Внедрение IT в судебную систему Республики Узбекистан осуществляется поэтапно. В

частности 10 декабря 2012 года было принято постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №346 “О мерах по внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий”. В целях исполнения данного Постановления Верховный суд совместно с ПРООН в Узбекистане разработал Национальную информационную систему электронного судопроизводства “E-SUD”. Данная система предназначалась для предоставления интерактивных услуг и внедрения электронного документооборота в судебной системе.

С 1 июня 2017 года в структуре Верховного суда Республики Узбекистан создано Управление по внедрению информационно-коммуникационных технологий и обеспечению информационной безопасности. С этого момента начались новые работы по разработке и внедрению информационных технологий в судебную систему. Была создана единая информационная система судопроизводства на базе существующей информационной системы “E-XSUD”, которая изначально разрабатывалась в качестве программного обеспечения электронного судопроизводства экономических (хозяйственных) судов.

В рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах были также предусмотрены меры по внедрению передовых технологий в деятельность судов.

В целях реализации установленных задач, предусмотренных в Стратегии действий 30 августа 2017 года принято постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий”³.

Начиная с 2018 года все поступающие дела и корреспонденция в уголовных и административных судах обрабатываются в электронном виде, дела между судьями распределяются ав-

томатически, судебные решения публикуются в интернете, исполнительные документы по судебным решениям отправляются на принудительное исполнение в электронной форме.

Основные усилия нашего государства по внедрению ИКТ направлены на автоматизацию. Но автоматизация строится на улучшении уже существующего порядка, оно глобально ее не меняет.

Ресурсы государства в сфере цифровизации судов в основном направляются на улучшение инфраструктуры. Покупаются новые ноутбуки, серверы, программные обеспечения, то есть по сути приобретается только “железо”. Например, согласно программы цифровизации деятельности органов судебной власти в 2020 — 2023 годах 59.8 млрд. сумов⁴ будут потрачены на техническое обеспечение судов. Вопросы технологического обеспечения остаётся открытым.

Многие зарубежные государства этап автоматизация прошли очень давно. Например, электронная публикация судебных актов была начата в США с 1988 года на основе системы Pacer⁵.

Первый онлайн “виртуальный суд” прошёл в мировом суде Бирмингема (Англия) в 2013 году⁶.

Сегодня в мире ожидается трансформация правовых технологий. Трансформация – это полное изменение того, как мы работаем. Будущие независимого, прозрачного и открытого судопроизводства в трансформации право применение.

В мировой практике мы наблюдаем как пандемия вынудила ускорить цифровую трансформацию во всех отраслях и решение правовых вопросов в режиме онлайн стало нормальным явлением.

Государство должно понять то, что гражданское население и представители бизнеса все больше будут ожидать от него внедрений новых технологий и интерактивных услуг в судопроизводстве.

В большинстве зарубежных странах развитие систем электронного правосудия рассматривается как неотъемлемый компонент судебно-правовой реформы. Вопрос применения искусственного интеллекта (ИИ) в судебной и правоохранительной сферах – это не вопрос технологий и информационной политики, а политическая и отчасти социально-психологическая проблема.

ИИ – это вычислительная система, делающая выбор на основе статистической информации. Как правило, главная проблема, которая решается в подобных системах, это – обеспечение отражения в статистической информации фактического положения дел. Наиболее эффективный ИИ будет принимать или рекомендовать решения на основе реальных связей, зависимостей и отношений, которые выявлены на основе анализа реального положения дел.



Главная проблема использования ИИ в судебной практике — это то, что ИИ базируется не на ситуационной логике, а на вычислительных процедурах. ИИ не умеет работать с контекстами.

Пионером во внедрении решений ИИ в систему правосудия и юриспруденцию в целом являются США. В начале 2000-х годов в США стали появляться стартапы, активно внедряющие информационные технологии в решение задач юридического характера. Технология “legal tech” была разработана компаниями Rocket Lawyer и Legal Zoom, предоставляющие услуги создания динамических документов, умных контрактов и правовых консультаций.

Ввиду специфики национальных правовых систем, большая часть компаний в области “legal tech” ориентирована прежде всего на локальный рынок. Поэтому, несмотря на активный рост рынка данных услуг в США, основные его игроки не спешили глобализировать свою деятельность.

Формой legal tech, присутствующей на рынках многих государств мира, являются услуги по информационно-технологическому обеспечению бухгалтерского учёта и финансового управления, практически исключившие необходимость в среднем юридическом персонале (паралегал).

Вопрос об использовании ИИ в судебных системах был впервые рассмотрен на уровне Европейской Комиссии в апреле 2018 г.⁷ Европейская этическая хартия об использовании ИИ в судебных системах и окружающих их реалиях (Страсбург, 3-4 декабря 2018 года) определила в качестве основных принципов использования ИИ в судебных системах принципы:

- 1. Соблюдение основных следующие прав:** обеспечить разработку и применение инструментов и услуг, основанных на ИИ, соответствующих основным правам,
- 2. Нет дискриминации:** а именно, предотвратить развитие или усиление дискриминации между отдельными лицами или группами лиц,
- 3. Качество и безопасность:** касательно обработки судебных решений и данных, использовать сертифицированные источники и нематериальные данные с применением моделей, разработанных на междисциплинарной основе, в безопасной технологической среде,



4. Прозрачность, беспристрастность и достоверность: сделать доступными и понятными методы обработки данных, разрешить проведение внешнего аудита,

5. Контроля пользователем: отказаться от предписывающего подхода и позволить пользователю выступать информированным участником и контролировать свой выбор.

Под ИИ понимаются платформы, обеспечивающие анализ и прогнозирование в судебной и правоохранительной сферах на основе обработки больших данных с использованием машинного обучения, нейронных сетей и методов распознавания образов с выводом результатов в визуальном или любом ином понятном для конечных пользователей виде. Выделяется несколько направлений практического использования ИИ в судебной и правоохранительной сферах. Конкретно речь идет о:

- продвинутых семантических корпоративных поисковых системах;
- системах поиска и анализа ситуаций, содержащихся в юридических документах;
- системах поддержки разработки юридических документов на основе автоматического генерирования шаблонов;
- системах предиктивной судебной аналитики, ориентированных на адвокатские компании;
- юридических чат ботах, осуществляющих информирование сторон в ходе первоначальных контактов по тем или иным делам на естественных языках.

Делая вывод можно сказать, что мир информационных технологий меняется очень быстро. Этот процесс не обходит стороной и систему правосудия. Мы видим, как машины становятся способны выполнять правовые задачи, технологии становятся неотъемлемой частью судебных процессов, и участники судопроизводства действуют в новых форматах.

Сегодня перспективы ИИ в праве не так высоки. Пока находится на зачаточном уровне. Но США и страны Европейского континента работают над проектами широкого использования ИИ.

Однако факт остаётся фактом. В долгосрочной перспективе ИИ займет доминирующее место

в правовой практике. В дальнейшем благодаря машинному обучению ИИ сможет предсказывать решение суда точнее любого эксперта.

Статистика показывает, как с каждым годом увеличиваются нагрузка на судей. Превышение определенного порога нагрузки на судью лишает смысла обсуждения любых других аспектов качества правосудия. В условиях подобной загруженности даже самый благонамеренный и профессиональный судья попросту лишен возможности вникать в суть дела, исследовать доказательства, выслушивать доводы сторон и использует шаблонные подходы, как в судебном заседании, так и при подготовке решения.

Использование ИИ приведет быстрому решению вопроса загруженности судов. Практическом применении технологий с использованием специальной программы-алгоритма с ИИ, который способен обработать большое количество различной правовой (и не только) информации, и по итогу – выдать прогноз о наиболее вероятном исходе ситуации, возможном решении суда.

Полагаем необходимым активизацию исследований в сфере использования ИКТ и программных решений в сфере использования искусственного интеллекта в ходе осуществления правосудия, развития технологий “предсказательного правосудия” на основе основных положений Европейской этической хартии об использовании искусственного интеллекта в судебных системах и окружающих их реалиях (Страсбург, 3-4 декабря 2018 года).

Помимо того, что необходимо решить ряд материально-финансовых вопросов, требуется создать этические рамки для содействия быстрому развитию такой формы искусственного интеллекта, которая включала бы в себя механизмы предотвращения предвзятости и дискриминации уже на этапе разработки.

Список использованной литературы:

1. Machova R. and Lnenicka M. Reframing E-government development indices with respect to new trends in ICT. Rev. Econ. Perspect. vol. 15. no. 4. pp. 383-411, 2015.
2. Tickle L. Online Justice: Why Courts Should Explore Emerging Digital Possibilities. – URL: www.theguardian.com/public-leaders-network/2017/jan/16/onlinejustice-courts-explore-digital-possibilities
3. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 36, ст. 948
4. Национальная база данных законодательства, 04.09.2020 г., № 07/20/4818/1255
5. <http://www.resourceshelf.com/2008/12/20/pacer-coming-into-its-own-at-20>
6. Veith C. et al. How Legal Technology will change the business of law (англ.) (pdf). Boston Consulting Group, Bucerius Law School (2016).
7. Европейская этическая хартия об использовании искусственного интеллекта в судебных системах и окружающих их реалиях Принята на 31-м пленарном заседании ЕКЭП (Страсбург, 3-4 декабря 2018 года)

АНАЛИЗ ОТДЕЛЬНЫХ ПОЛОЖЕНИЙ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ МОЛДОВА



Дилзода ДОВУДОВА,

старший преподаватель (PhD)
кафедры Обеспечения полномочий
прокурора в судах Академии Генеральной
прокуратуры Узбекистана

АННОТАЦИЯ:

в данной статье рассматриваются отдельные полномочия прокурора в уголовном судопроизводстве действующего УПК Республики Молдова, проводится сравнительно-правовой анализ этих полномочий с полномочиями прокурора в национальном законодательстве, а также, проведен обзор по вопросам имплементации существующих позитивных норм молдавского процессуального законодательства в национальное законодательство.

Ключевые слова: суд, судья, прокурор, государственный обвинитель, полномочие, суд первой инстанции, судебный процесс.

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада Молдова Республикаси ЖПКда судда жиноят ишларини юритишда прокурорнинг айрим ваколатлари, мазкур ваколатларнинг миллий қонунчиликдаги прокурор ваколатлари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, Молдова процессуал қонунчилигидаги мавжуд ижобий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари мушоҳада қилинган.

Калит сўзлар: суд, судья, прокурор, давлат айбловчиси, ваколат, биринчи инстанция суди, суд жараёни.

ABSTRACT:

The article highlights some of the powers of the prosecutor in criminal proceedings provided for by the Criminal Procedure Code of the Republic of Moldova, conducts a comparative legal analysis of these powers with the powers of the prosecutor in national legislation, in addition, developed recommendations on implementation of existing positive norms of Moldovan procedural law into national legislation.

Key words: court, judge, prosecutor, public accuser, powers, court of first instance, court trial.

